



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ
ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
ХУДУДИЙ МАРКАЗИ

3.1
МОДУЛ

МАХСУС ПСИХОЛОГИЯ МАСАЛАЛАРИ

ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА



ТОШКЕНТ-2018

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
ХУДУДИЙ МАРКАЗИ**

**МАХСУС ПСИХОЛОГИЯ МАСАЛАЛАРИ
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

**Малака тоифа
йўналиши:
Тингловчилар
контингенти:**

**тарбиячилар
махсус мактабгача таълим
муассасалар тарбиячилари**

Тошкент-2018

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Халқ таълим вазирлигининг 2018 йил “___” _____даги “_____” сонли буйруғи билан тасдиқланган махсус мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларининг малакасини ошириш тоифа йўналиши ўқув режаси ва дастури асосида тайёрланди.

Тузувчилар:	Низомий номидаги ТДПУ
З.Н.Мамаражабова	"Коррекцион педагогика" кафедраси, профессор
О.А.Махмудова	Низомий номидаги ТДПУ хузуридаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази “Мактабгача таълим муассасасигача, бошланғич ва махсус таълим методикалари” кафедраси в.доценти
Такризчилар:	Низомий номидаги ТДПУ
М.Ю.Аюпова	"Коррекцион педагогика" кафедраси, профессор
Н.З.Абидова	Низомий номидаги ТДПУ "Коррекцион педагогика" кафедраси катта ўқитувчиси

Ўқув-услубий мажмуа А.Авлоний номидаги Халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти илмий кенгашининг 2018 йил _____даги _____ - сонли баённомаси билан маъқулланган ва нашрга тавсия этилган

МУНДАРИЖА

I. Ишчи дастур	5
II. Модулни ўқитишда фойдаланиладиган интерфаол таълим методлари	14
III. Назарий машғулот материаллари.....	18
IV. Амалий машғулот материаллар	35
V. Кейслар банки	63
VII. Глоссарий	67
VIII. Адабиётлар рўйхати	72



ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини таъминлаш учун муҳим пойдевор бўлди, халқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши, жаҳон талаблари даражасида таълим олиши ва касб эгаллаши, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратди.

Мамлакатимизда айти пайтда вужудга келган шарт-шароитлар малака оширишнинг шакли, мазмуни ва уни амалга ошириш механизмларини қайта кўриб чиқишни ва бу жараёнга тегишли ўзгартиришларни киритишни тақозо этмоқда. Хусусан, шу кунларда мактабгача таълим тизимини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш учун тарбиячиларининг малакасини ошириш мазмуни ва шакллари такомиллаштириш зарурати пайдо бўлди.

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2707-сонли, 2017 йил 30 сентябрдаги “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5198-сонли Фармони, 2017 йил 9 сентябрдаги «Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3261-сонли қарори, шунингдек Мактабгача таълим вазирлигининг 2018 йил 18 июндаги 1-мх сонли “Илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари” ҳамда “Илк қадам” мактабгача таълим муассасасининг Давлат ўқув дастурини амалда жорий этиш, шу асосда мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари малакасини ошириш жараёнларининг мазмуни такомиллаштириш ҳамда уларнинг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни назарда тутди.

“Махсус психологиянинг масалалари” модулининг ишчи ўқув дастури махсус мактабгача таълим муассасасигача таълим муассасалари тарбиячилари малакасини ошириш курсининг ўқув дастури асосида тузилган бўлиб, у махсус мактабгача таълим муассасасигача таълим муассасалари тарбиячиларига махсус психологиянинг долзарб масалаларини мазмун ва моҳиятини очиб беради.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Модулнинг мақсади: тингловчиларда рухий ва жисмоний ривожланишида нуқсон мавжуд болалар билиш жараёнларининг хусусиятлари, бундай болалар шахсининг турли фаолиятларда ривожланиш хусусиятлари, рухий жараёнларни усул ва услубиятлар асосида текшириш бойича билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришдир. ривожлантириш.

Модулнинг вазифалари:

- тингловчиларда махсус мактабгача таълим муассасасигача таълимда замонавий ёндашувларни амалга ошириш учун зарур бўлган методологик билимларни шакллантириш, кўникмаларни таркиб топтириш;

- тингловчиларга махсус психология назарияси ҳамда уни усулларини амалиётда қўллашга ўргатишдан иборат.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникма ва малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар:

Тингловчи: Махсус психология ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида тингловчи:

- махсус психология умумий психологиянинг таркибий қисми эканлиги; психик ва жисмоний нуқсонга эга бўлган болалар билиш жараёнларининг хусусиятлари; психик ва жисмоний нуқсонга эга бўлган болалар шахсининг турли фаолиятларда ривожланиш хусусиятларини; ривожланишда нуқсон бўлган болалар билиш жараёнларининг, фаолиятининг хусусиятларини *билиши керак;*

- ривожланишида нуқсони бўлган болаларнинг шахс сифатларини ўрганиш ва уларга психологик-педагогик тавсифнома тузиш; ривожланишда нуқсони бўлган болаларга дифференциал ёндашиш; ривожланишда нуқсони бўлган болалар психик жараёнларини ўрганишнинг шакл ва методларини тўғри танлай олиш; ривожланишда нуқсони бўлган болалар билан мулоқот ўрната олиш **кўникмасига;**

- ривожланишида нуқсони бўлган болаларни таълим жараёнида коррекциялаш **малакаларига эга бўлиши лозим.**

- махсус мактабгача таълим муассасасигача таълимга қўйиладиган психологик талаблар асосида ва машғулотларга ташкил этиш;
- машғулотларда тарбияланувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш;
- тарбияланувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этиш ва касбга йўналтириш **компетенцияларини эгаллаши лозим.**

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Махсус психологиянинг масалалари” **модули** назарий ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Назарий дарс-машғулотларида мактабгача таълим муассасасигача таълимга оид илғор хорижий тажрибалар, замонавий ёндашувлар ва инновацион технологиялар ҳақида маълумотлар берилади.

Амалий машғулотларда махсус психологиянинг масалалари, машғулотларга қўйилган психологик талаблар ўргатилади.

Машғулотларда техник воситалардан, тест сўровлари, ақлий хужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш ва бошқа интерактив таълим усулларида фойдаланиш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Модул мазмуни ўқув режадаги “Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат” блоки модуллари, “Мактабгача таълим муассасасигача таълимда инновациялар ва хорижий тажриба”, “Махсус мактабгача таълим

муассасасигача таълимга замонавий ёндашувлар фанининг”, “Тарбиячининг касбий маҳорати ва компетентлиги” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади

Модулнинг услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги

Мазкур модул “Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари”, “Илғор таълим-тарбия технологиялари ва педагогик маҳорат”, модулларидан кейин ўрганилади. Унда юқоридаги блокларда ўрганилган мазмун йўналишлари ва услубий жиҳатларини махсус мактабгача таълим муассасасигача таълимга татбиқ этиш имкониятлари очиқ берилади.

Модулнинг таълимдаги ўрни

Тингловчиларни махсус мактабгача таълим муассасасигача таълимда замонавий ёндашувлар ва инновацияларни ўргатиш ҳамда амалда қўллаш кўникмаларини шакллантириш орқали таълим самарадорлигини таъминлашдан иборат.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

3.1. Махсус психология масалалари

№	Модул мавзулари	Ҳаммаси	Жами ўқув юкламаси	Жумладан			Мустақил таълим
				Назарий	Амалий	Қўчма машғулот	
1.	Махсус психологиянинг мақсад ва вазифалари, методологик асослари	4	2	2			2
2.	Махсус мактабгача таълим муассасасигача таълим тизимида коррекцион ишлар самарадорлигини ошириш йўллари	2	2		2		
3.	Махсус таълим муассасаларида психологик хизматни ташкил этишнинг ўзига хослиги	2	2		2		
Жами		8	6	2	4		2

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-Мавзу: Махсус психологиянинг мақсад ва вазифалари, методологик асослари (2 соат).

Махсус психология. «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар. Махсус психологиянинг мақсад, вазифалари, назарий-методологик асослари, бошқа фанлар билан ўзаро алоқадорлиги. Махсус психология йўналишлари. Таълимнинг мазмуни. Махсус психологияда сифат ва самарадорлик масалалари. Алоҳида эътиборга муҳтож бўлган болалар ижтимоийлашуви масалалари.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

2-Мавзу: Махсус мактабгача таълим муассасасигача таълим тизимида коррекцион ишлар самарадорлигини ошириш йўллари (2 соат).

Нуқсон ва компенсация ҳақида тушунча. Туғма ва орттирилган нуқсонлар билиш жараёнлари камчиликларини коррекциялашда қўлланиладиган технологиялар.

Фаолият ва компенсация. Нуқсонни компенсация қилишда фаолиятнинг аҳамияти. Мактабгача таълим муассасасигача таълим ёшидаги болаларни ойин, ўқув ва меҳнат фаолиятига киритиш, элементар ва кўникмаларни шакллантиришдаги роли. Таълим жараёнида ўйиннинг мазмунини, қоидасини, ўзининг ойиндаги вазифаси белгилаш.

3-мавзу: Махсус таълим муассасаларида психологик хизматни ташкил этишнинг ўзига хослиги

Психологик хизмат ва унинг йўналишлари. Психологик хизматнинг қонуний-меъёрий асослари. Махсус таълимда психологик хизматдан фойдаланишнинг аҳамияти. Махсус таълим муассасаларида психологик хизматни ташкил этишнинг ўзига хослиги.

Психологик хизмат йўналишлари:

Психологик ташхис, психологик профилактика, психологик ташвиқот, психологик коррекция, психологик консультация.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларида фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

- давра суҳбатлари (кўрилаётган топшириқлар ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);

- баҳс ва мунозаралар (топшириқлар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

Фойдаланиш тавсия этиладиган ўқув-услубий адабиётлар рўйхати

I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сон Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги 5106-сон Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 сентябрдаги “Педагог кадрларни тайёрлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги № ПҚ-3289-сонли Қарори.
5. Ш.М.Мирзиёев. “2017-2021 йилларда мактабгача таълим муассасасигача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори. 2016 йил 29 декабр.
6. Ш.М.Мирзиёев. “Мактабгача таълим муассасасигача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. 2017 йил 9 август.

II. Махсус адабиётлар:

1. Richard Arum, Melisa Velez. Improving Learning Enviroment: Schol Discipline and Comporative Perspektive. Stanford Universiy Press, USA 2012.
2. H.Fry, S. Ketteridge, S.Marshall. HandbookFor teaching and Learning in Higher Education. New York, Routledge, 2009. 98
3. Eduscol. education.fr./ dossiers.School Education in Franse. ISBN 978-92-9079-921-4 Available for free downloading from the CEPS website (http://www.ceps.eu) © CEPS, 2009
4. http://cache.media.eduscol.education.fr/file/dossiers/07/3/2013_Sch_ol_Education_in_France_244073.pdf.
5. Куликов Л. В. Психология настроения. СПб, 1997.

6. Психотерапевтическая энциклопедия/ под ред. Б.Д.Карвасарского. – Санкт-питербург: "Питер", 1998.
7. Семья в психологической консультации: опыт и проблемы психологического консультирования / Под ред. А.А.Бодалева, В.В.Столина. М., 1989.
8. В.А. Нудельман и др. Особенности психического развития глухого ребенка. М.: 1975 г.
9. К.Қ.Мамедов, Ғ.Б.Шоумаров. Ақли заиф болалар психологияси. Т.: 1994 й.
10. О.И. Скороходова. Как я воспринимаю, представляю и понимаю окружающий мир. М.: 1972 г.
11. В.М.Каримова ва бошқалар. Психология. Маърузалар матни. Т.: 2000
12. С.А.Рубинштейн. Основы общей психологии. М.: 1998 г.
13. Овчарова Р.В. Практическая психология образования. Москва. “Академия”.2003.-445 с.

Электрон таълим ресурслари

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус педагогика вазирлиги:
www.edu.uz.

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги: www.uzedu.uz.
2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази:
www.eduportal.uz,www.multimedia.uz.
3. Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси: www.aci.uz.
4. Компютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш: www.ictcouncil.gov.uz.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус педагогика вазирлиги ҳузуридаги Бош илмий-методик марказ: www.bimm.uz

6. Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази: www.giu.uz

7. Ижтимоий ахборот таълим портали: www.ziyonet.uz.

8. Infocom.uz электрон журнали: www.infocom.uz.

**МОДУЛНИ ҲЎҚИТИШДА
ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН
ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ**

“КЛАСТЕР” МЕТОДИНИ ЎТКАЗИШ БОСҚИЧЛАРИ

Ўқитувчи: - Тингловчиларни янги мавзу билан таништиради;

- Доскага “**Махсус психология**” сўзини ёзади.

1. Ниманики ўйлаган бўлсангиз, шуни қоғозга ёзинг. Фикрингизни сифати тўғрисида ўйлаб ўтирмай уларни шунчаки ёзиб боринг;

2. Ёзувингизни орфографияси ёки бошқа жиҳатларига эътибор берманг;

3. Берилган вақт ниҳоясига етмагунча ёзишдан тўхтаманг. Агар маълум муддат бирон бир ғояни ўйлай олмасангиз у ҳолда қоғозга бирор нарсани расмини чиза бошланг. Бу ҳаракатни янги ғоя туғулгунга қадар давом эттиринг;

4. Муайян тушунча доирасида имконият қадар кўпроқ янги ғояларни йиғиндисининг сифати ва улар ўртасидаги алоқаларни кўрсатишни чекламанг.

Тингловчи: Ҳамма тушунчаларни қабул қилади.

1. Ниманики ўйлаган бўлса, шуни қоғозга ёзади;

2. Ёзувларнинг орфографик, грамматик жиҳатларига эътибор бермайди;

3. Берилган вақт ниҳоясига етмагунга қадар ўз фикрини давом эттиради;

4. Муайян тушунча юзасидан кўпроқ маълумотларни ёритишга ҳаракат қилади;

Технология ниҳоясига етгач ўқитувчи бошчилигида таҳлил қилинади.

Кутиладиган натижа: Талабалар ўйинли технологияларнинг мазмуни, моҳияти, вазифалари, турлари билан танишадилар.

“ЧАРХПАЛАК” МЕТОДИНИ ЎТКАЗИШ БОСҚИЧЛАРИ

Ўқитувчи: Ҳамма тингловчиларга тарқатма материаллар тарқатилади ва ўтказиш йўллари тушунтиради.

1. Яхшилаб ўқиб чиқиб, таҳлил этинг.
2. Берилган ҳаракат хусусиятлари ичидан ўзингиз тўғри деб топган ҳаракатни кўрсатилган катаклар ичига истаган белгингиз билан белгиланг.
3. Тўрт кишидан иборат кичик гуруҳга бўлининг ва ҳар бир гуруҳ аъзоси ўз белгингизни кўрсатилган катакларга белгиланг, бу ҳаракат соат стрелкаси бўйича амалга оширилади.

Шу бу ҳаракат тўрт маротаба амалга оширилади. Материал ўз эгаларига етиб келганидан сўнг ўқитувчи тўғри жавобларни ўқийди.

4. Агар шахсий белгиларингиз тўғри жавоб билан бир хил бўлса, у ҳолда тартиб рақамларни доира остига олинг, мос келмаса очик қолдиринг.

5. Тўғри ва нотўғри жавоблар ҳисобланиб тегишли натижа олинади.

Тингловчи: Ҳамма тушунчаларни қабул қилади.

1. Ҳаракатларни таҳлил этиб керакли белгиларни қоғозга ёзади.
2. Гуруҳларга бирлашадилар.
3. Ўзлари тўғри деб топган ҳаракатларнинг керакли катакларига ўз белгиларини қўядилар.
4. Гуруҳ аъзолари фикрини таҳлил этиб чиқадилар.
5. Жавобларни қабул қиладилар ва тартиб рақамларни доира остига оладилар, мос келмаса очик қолдирадилар.

«ҚАРОРЛАР ШАЖАРАСИ» («ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ») МЕТОДИ

Мақсади: «Қарорлар шажараси» методи муайян фан асослари борасидаги бир қатор мураккаб мавзуларни ўзлаштириш, маълум масалаларни ҳар томонлама, пухта таҳлил этиш асосида улар юзасидан муайян хулосаларга келиш, бир муаммо хусусида билдириладиган бир неча хулосалар орасидан энг мақбул ҳамда тўғриси топишга йўналтирилган техник ёндашувдир. Ушбу метод, шунингдек, аввалги вазиятлар қабул қилинган қарорлар моҳиятини яна бир бора таҳлил этиш ва уни мукамал тушунишга хизмат қилади.

Гуруҳ тингловчилари иштирокида қўлланиладиган «Қарорлар шажараси» бир неча ўн нафар тингловчиларнинг билимлари даражасини аниқлаш, уларнинг фикрларини жамлаш ва баҳолаш имконини беради. Таълим жараёнида мазкур методнинг қўлланилиши муайян муаммо юзасидан оқилона қарор қабул қилиш да ўқувчилар томонидан билдириладиган ҳар бир вариант, уларнинг мақбул ҳамда номақбул жиҳатларини муфассал таҳлил этиш имкониятини яратади. Машғулот жараёнида ўқувчилар қуйидаги чизма асосида тузилган жадвални тўлдирадilar:

«Қарорлар шажараси» методи қуйидаги шартлар асосида қўлланилади:

1. Ўқитувчи машғулот бошланишидан олдин мунозара, таҳлил учун мавзуга оид бирор муаммони белгилайди. Гуруҳлар томонидан қабул қилинган хулосаларни ёзиш учун плакатларни тайёрлайди.

2. Ўқитувчи ўқувчиларни 4 ёки 6 нафар кишилардан иборат гуруҳларга ажаратади. Муаммонинг ҳал этилиши, у борадаги энг мақбул қарорнинг қабул қилиниши учун муайян вақт белгиланади.

3. Қарорларни қабул қилиш жараёнида гуруҳларнинг ҳар бир аъзоси томонидан билдириладиган вариантларнинг мақбуллик ҳамда номақбуллик даражалари батафсил муҳокама қилинади. Ҳар бир вариантнинг афзаллик ва ноафзаллик жиҳатлари ёзиб борилади. Билдирилган вариантлар асосида муаммони ижобий ҳал этишга хизмат қилувчи усул хусусида гуруҳ аъзолари бир тўхтамга келиб оладилар.

4. Мунозара учун ажратилган вақт ниҳоясига етгач, ҳар бир гуруҳ аъзолари ўз гуруҳи қарори борасида ахборот берадилар. Зарур ҳолларда ўқитувчи раҳбарлигида барча ўқувчилар томонидан билдирилган хулосаларни бир-бири билан қиёслайдилар. Муаммо юзасидан билдирилган қарорлар, саволлар туғулгудек бўлса, уларга жавоблар қайтариб берилади, ноаниқликларга аниқликлар киритилади. Агарда барча гуруҳлар томонидан муаммо юзасидан бир хил қарорга келинган бўлса, ўқитувчи бунинг сабабини изоҳлайди.

**НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

1-мавзу: Махсус психологиянинг мақсад ва вазифалари, методологик асослари (2 соат)

Режа

1. Махсус психологиянинг мақсад ва вазифалари.
2. Психик ҳодисалар классификацияси.

таянч тушунчалар: индивидуал, идрок, тасаввурларимиз, фикр, хис,

Бугунги кунда хориж тажрибаларидан андоза олиш, ижодий ёндашган ҳолда амалиётда жорий этиш, замон талабига мос равишда меъёрий ҳужжатлар, ўқув-методик адабиётлар, ўқув методик мажмуаларни ишлаб чиқиш, илғор хорижий тажриба асосида мактабгача таълим муассасасигача таълим муассасаларининг раҳбар ва мутахассисларида замонавий менежмент ва педагогик технологиялар бўйича соҳага оид билимлар ва кўникмаларни шакллантириш вазифалари долзарб масалалар сирасига киритилмоқда. Шу боис мамлакатимизда мактабгача таълим муассасасигача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш юзасидан фармон ва қарорлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда мактабгача таълим муассасасигача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2016 йил 29 декабрдаги ПҚ-2707-сонли, «Мактабгача таълим муассасасигача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 9 сентябрдаги ПҚ-3261-сон қарорлари, «Мактабгача таълим муассасасигача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 30 сентябрдаги ПФ-5198-сонли Фармонишулар жумласидандир.

1.1 Махсус психологиянинг вазифалари

Ҳодисалар–сезгиларимиз, идрок, тасаввурларимиз, фикр, хис, интилишларимиз ва шунга ўхшашлар психика ҳодисалари жумласидандир. Шахснинг психик ёки индивидуал хусусиятлари деб аталадиган хусусиятлар:

одамнинг темпераменти (мижози), характери (фёъл-атвори), қобилият, эҳтиёж, майл ва ҳаваслари ҳам психика соҳасига киради. Ушбу санаб ўтилган барча психик ҳодисалар имконияти чекланган болалар учун ҳам хосдир.

Психик (руҳий) ҳодисаларнинг бутун мажмуи одатда психика деган бир сўз билан аталади. Психика ўзига алоҳида бир олам эмас: у органик ҳаётнинг юксак шаклларида бўлиб, фақат ҳайвонлар билан одамларга хосдир. Ҳайвонлар билан одам, ўсимликлардан фарқ қилиб, ёлғиз органик ҳаётга эга бўлибгина қолмай, балки, шу билан бирга, психик ҳаётга ҳам эгадир. Лекин, маълумки, ҳайвонларнинг психик ҳаёти одамнинг психик ҳаётига қараганда соддароқдир. Одам психикаси ҳайвонлар психикасидан сифат жиҳатидан фарқ қилади. Шу ўринда соғлом ривожланаётган бола билан у ёки бу турга оид ногиронликка эга боланинг психологик ривожланишида ҳам ўзига хосликлар ажратилади.

Маълумки, психик ҳаёт ҳодисалари жуда ҳилма-ҳил, аммо бир-бири билан ўзаро боғланган бўлади. Махсус психологиянинг энг муҳим вазифаси ана шу боғланиш ва муносабатларнинг қонуниятларини очиқ беришдир. Психик ҳодисалар ва бутун психика ривожланиб келган ва ривожланмоқда.

Махсус психология фанининг маълумотларидан амалий мақсадда ва аввало таълим-тарбия ишида, шунингдек, ИЧБнинг меҳнатини ташкил этишда, уларни даволашда (медицинада), маънавий тарбиялашда (санъат) ва шунга ўхшаш соҳаларда фойдаланмоқ учун психиканинг тараққиёт қонуниятларини билиш керак. Шундай қилиб махсус психология психологиянинг қонуниятларига тўлиқ таянган ҳолда махсус эҳтиёжли ривожланишида камчилиги бўлган шахслар психик ҳаёт соҳалари ёки, қисқача қилиб айтганда, уларнинг психикасидан баҳс этади.

Психология энг қадимий фанлардан бўлиб, бундан 2,5 минг йилга илгари жон ҳақидаги таълимот сифатида вужудга келган. VII-V асрларда ўтган қадимги грек философларининг асарларидаёқ кишининг жонли ва руҳий ҳаёти тўғрисида жуда кўп ҳилма-ҳил фикрлар баён қилинганлигини кўраемиз. Бу масалалар қадимги Хитой ва қадимги Хинд мутафаккирларининг

муҳокамаларида ҳам катта ўрин тутди. Кишининг психикаси ҳақидаги мунтазам таълимотни биринчи марта Аристотель (эрамиздан олдинги 384-322 йиллар) «Жон ҳақида» деган китобида баён қилган. Шу сабабли Аристотель алоҳида фан бўлган психологияни вужудга келтирган киши ёки психология фанининг «отаси» деб ҳисобланади. Узоқ вақтгача психология мустақил фан бўлмай, философия таркибига кириб келган. Алоҳида илмий фан маъносидаги «психология» термини ҳам йўқ эди. Бу термин XVI аср охирида пайдо бўлиб, XVIII аср ўрталаридан бошлаб ҳамма ишлатадиган бўлиб қолди. Психология XVIII асрнинг охирида ва XIX асрнинг бошларидагина мустақил фан бўлиб шаклланади. Қадимги замонлардан то бизнинг замонимизгача психология соҳасида идеализм билан материализм ўртасида кураш бўлиб келди. Психологиядаги бу кураш ҳамisha синфий курашнинг инъикоси бўлиб келди. Психика, онг нима деган масала, шу билан бирга, одам организмда психик жараёнлар билан физиологик жараёнлар ўртасидаги муносабат масаласи ҳам шу курашда марказий ўринни эгаллаб келди. Психика ва онг ҳақидаги таълимот идеалистик ва вульгар материалистик қарашлар ҳамда назарияларга қарши курашда чиниқа борди. Идеалистлар, одамнинг психик ҳаётини одам танаси билан қандайдир номаълум йўл билан қўшилиб, одамда гавдаланган, жисми йўқ моддий бўлмаган алоҳида бир нарсанинг яъни руҳ ёки жоннинг зоҳир бўлиши деб ҳисоблайдилар. (Сўзлашганимизда ва адабиётда ҳам «одамнинг жони» ва «одамнинг руҳи» деган термин ишлатамиз. Аммо бу терминларни биз моддий бўлмаган алоҳида бир нарсани ифодалаш учун эмас, балки «психика» сўзини қай маънода ишлатсак, ўша маънода ишлатамиз).

Психофизик ўзаро таъсир тарафдорлари таълимотига кўра, психик ҳодисалар билан физиологик ҳодисалар ўз табиати эътибори билан ҳар ҳил бўлсада, бир-бирига ўзаро таъсир этади: физиологик ҳодисалар психик ҳодисаларни вужудга келтиради, психик ҳодисалар эса физиологик ҳодисаларга сабаб бўла олади. Бу қарашга кўра, одамнинг ҳаёт фаолияти гўё ҳаракатдаги занжир бўлиб, унда физик звено билан психик звено кетма-кет келаверади.

Фанга хилоф идеалистик муҳокамаларга қарама-қарши ўларок, диалектик материализм психик ҳаёт қандайдир алоҳида, моддий бўлмаган бир нарсани зоҳир бўлиши эмас, балки материянинг юксак даражасидаги маҳсули, яъни бош мианинг ҳоссасидир деб кўрсатади. Демак, психика юксак даражада ташкил топган материянинг алоҳида ҳоссаси бўлиб, бу ҳосса объектив воқеликни алоҳида бир йўсинда акс эттириш қобилиятидан иборатдир.

Психик жараёнлар мианинг алоҳида ҳоссаси бўлиб, фақат мианинг фаолиятига боғлиқ ҳолда рўй беради. Лекин психикани материянинг маҳсули деб билиш тушунчасини вульгар материализм намоёндалари тарғиб қилган сохта (у ҳам механистик) тушунчадан фарқ қилиш керак. Механист ва вульгар материалистлар табиатдаги барча ҳодисаларни – кимёвий, биологик, физиологик ҳодисаларни, шунингдек, психологик ҳодисаларни ҳам материя заррачаларининг фазода фақат механик суратда силжишдан иборат деб билар эдилар. Улар психик жараёнларни физиологик жараёнлардан иборат бир нарс деб тушунар, психик жараёнлар билан физиологик процесснинг иккови бор нарс деб ҳисоблар эдилар. Масалан: вульгар материализмнинг намоёндалари (Бюхнер, Молешотт, Фахз) жигардан ўт чиқиб тургани сингари миандан ҳам фикр чиқиб туради, деб билар эдилар. Механистлар назарида, психик ҳодиса физиологик ҳодисанинг ўзи-ю, уни одам фақат ички, субъектив томондан идрок этар эмиш. Диалектик материализм нуқтаи назаридан психика, материянинг механик ҳаракати эмас, балки ҳаракатдаги материянинг алоҳида ҳоссасидир. Шунингдек, психик процесс моддий процессга боғлиқ, деган сўздан психика, онг-физиологик жараёнлардан бошқа бир нарс эмас, деган маъно асло чиқмайди. Фикр, онг – воқеликнинг сифат жиҳатидан бошқача, ўзига хос бир ҳодисасидир.

Психика, онг–фақат юксак даражада ташкил топган материянинг ҳоссасидир.

Ҳайвонлар билан одамлар организмга хос бўлган нерв системаси ана шундай юксак даражада ташкил топган материядир. Психиканинг бевосита моддий субстрати (асоси) – одамнинг бош миясидир. Одамнинг психикаси, онги – бош мия функциясидир. Психика, онг материя тараққиётининг фақат юксак босқичларида пайдо бўлади. Материя тараққий қилиб борган сари турли қонуниятлар ва ҳоссалар - механик, физик, химиявий, биологик ва бошқа қонуният ва ҳоссалар пайдо бўлади ва тараққий қилади, органик олам тараққиётининг энг юксак босқичидагина материянинг психика, сезги, онг, тафаккур, деб аталадиган алоҳида ҳоссалари вужудга келади Олам тараққиёти тарихида психика, онг, бўлмаган давр ўтган. Психика олам тараққиётининг энг юксак босқичларидагина пайдо бўлди Психика материянинг алоҳида ҳоссаси бўлиб, бу ҳосса объектив воқеъликни алоҳида бир равишда акс эттириш қобилиятидан иборатдир. Акс эттириш деган сўзнинг маъноси ҳар ҳил тушунилади. Теварак-атрофдаги воқеъликни акс эттирадиган кўпгина нарсалар маълум, масалан, сув акс эттиради, кўзгу акс эттиради ва ҳоказо. Бу мисолларда биз физик ҳодиса сифатидаги акс этиш (инъикос)ни кўрамиз. Психик ҳодисалар ҳақида сўзлашганимизда эса сифат жиҳатдан бошқача, ўзига хос равишда акс этишини назарда тутмоғимиз керак. Бу акс эттириш сезгиларда, хотирада, тафаккурда ва бошқа шу қабиларда ўз ифодасини топади.

1.2 ПСИХИК ҲОДИСАЛАР КЛАССИФИКАЦИЯСИ

Инсоннинг акс эттириш жараёни ўз моҳияти ва характери жиҳатидан 2-босқичдан иборатдир.

1) Ҳиссий (акс эттириш) билиш бўлиб, у сезиш, ҳиссий қабул қилиш, хотира ва тасаввурлардан иборатдир.

2) Ақлий билиш босқичи бўлиб, у тафаккурдан иборатдир. Ҳиссий билишнинг бошланғич шакли - сезгидир. Чунки ҳиссий билишнинг бошқа шакллари – ҳиссий қабул қилиш сезгига нисбатан анча мураккаб бўлиб, у сезиш асосида вужудга келади. Ҳиссий қабул қилишнинг сезишдан фарқи

шундаки, унда предметларнинг айрим хоссаларни эмас, балки предмет бир бутун ҳолда акс этади. Ҳиссий билишнинг яна бир шакли тасаввурдир. Ташқи таъсир натижасида вужудга келган нерв ва мия қобиғининг маълум қисмидаги қўзғалиш – сезиш, қабул қилиш – маълум давргача ўз изини қолдиради, яъни ташқи таъсир тўхтагандан сўнг қўзғалишнинг, сезишнинг изи сақланиб қолади. Ўша таъсир этган предметга алоқадор бўлган, унга қандайдир муносабатда бўлган ҳодиса таъсири натижасида излар яна қайта тикланиши мумкин. Мия қобиғида сақланиб қолган шу физиологик изларнинг тикланиши, қайтадан қўзғалиши тасаввур, хотирани вужудга келтиради. Инсоннинг билиш жараёни ҳиссий билиш билангина чекланмайди. Ҳиссий билиш ёки жонли кузатиш инсон билишининг пастки босқичида вужудга келади, бу босқич асосида ижтимоий меҳнат жараёнида иккинчи юқори босқич – ақлий билиш, тафаккур пайдо бўлади. Ҳиссий билиш орқали объектив реалликдан олинган «материаллар»ни қайта ишлаш, уларни муносабатлари, ички хусусиятларини аниқлаш, муҳим ва асосий томонларини номуҳимларидан ажратиб олиш, уларнинг қонуниятларини очиш ақлий билиш ва тафаккурда амалга оширилади. Одам билан унинг теварак-атрофидаги олам ўртасида доимо ўзаро бир-бирига таъсир қилиш жараёни бўлиб туради. Одам бу процессда дунёни ўз психикаси билан акс эттиради. Шу билан бирга, воқеълик одам онгида кўзгудаги каби пассив равишда акс этмай, балки актив равишда акс этади: одам теварак-атрофдаги олам билан ўзаро бир-бирига таъсир кўрсатар экан, шу жараёнда оламга таъсир этади, уни ўзгартиради ва уни ўз эҳтиёжларига мослаштиради. Психология фани психикани ўрганар экан, уни юксак даражада ташкил топган материянинг объектив воқеъликни акс эттиришдан иборат бўлган алоҳида ҳоссаси деб билади. Материянинг бу ҳоссаси материянинг бошқа ҳоссаларидан сифат жиҳатдан фарқ қилади ва материя тараққиётининг фақат муайян босқичида вужудга келади. Психик ҳодисани, идеалистлар таълим бергани сингари, физиологик ҳодисадан ажратиб қўйиш ярамаганидек, психик ҳодисани, вульгар материалистлари таълим бергани сингари, физик ҳодисага тенглаштириш ҳам ярамайди. Психик ҳодиса билан физиологик ҳодиса бир

бутун бўлиб боғлангандир. Бунинг маъноси шуки, психологик ва физиологик ҳодиса сифат жиҳатидан бошқа-бошқа ҳодисалардир, аммо физиологик ҳодиса бўлмаса, яъни нерв системаси ишламаса, психологик ҳодиса бўлиши мумкин эмас; шундай қилиб, психологик ҳодиса иккиламчи ҳодиса ҳисобланади. Психик ҳодисалар нечоғлик мураккаб бўлмасин, уларни моддий нерв-физиологик негизидан айириб ўрганиш ярамайди. Бундай айириш идеализмга олиб бориши мумкин, холос. Шу сабабли психикани ўрганишда психик ҳаётдаги ҳодиса ва фактларни илмий асосда тушуниб олиш учун психиканинг моддий негизини, яъни бош мия ва унинг фаолиятини, психик жараёнларнинг нерв-физиологик механизмларини билиб олиш керак. И.П.Павлов юксак нерв фаолияти физиологиясига доир гениал асарларида психик ҳодисалар моддий субстратининг фаолиятидаги асосий қонуниятларни ва айрим психик жараёнларнинг нерв-физиологик механизмларини очиб берди.

Юқорида Сизга тақдим этилган матнда инсоннинг акс эттириш жараёни кенг батафсил очиб берилди. ИЧБ да ушбу жараёнларнинг ўзига хос кечиши улардаги нуқсон ва у келтириб чиққан иккиламчи нуқсонларнинг мураккаблиги ва қай даражада оламни қабул қилишига таъсири билан тавсифланади.

Ҳиссий (акс эттириш) билиш бу сезиш, ҳиссий қабул қилиш, хотира ва тасаввурлардан иборат экан, ИЧБ атроф муҳитни ҳар хил йўллар билан хис қилади. Яъни кўзи ожиз бола эшитиш ва тери орқали сезиш билан қабул қилса, эшитишида нуқсони бўлган бола кўриш ва тери орқали сезиш ёрдамида қабул қилади. Ақли заиф боланинг атроф ҳақидаги тасаввури унинг мия фаолиятидаги бузилиш даражасига боғлиқ ҳолда шаклланади. Махсус психологиянинг амалиёти ИЧБ даги компенсатор сезиш ҳодисаси билан боғлиқдир.

Махсус эҳтиёжли болалар ва катталарнинг рухий ривожланиш хусусиятлари ва уларнинг ижтимоийлашувида таълим-тарбиянинг

компенсатор-коррекцион-ривожлантирувчи вазифаларини тадқиқ қилишда махсус психологиянинг қуйидаги йўналишлари ажратилади.

1. Олигофренопсихология- ақли заиф болалар психологиясини ўрганади.
2. Сурдопедагогика-эшитишида муаммолари бўлган болалар ва катталар психологиясини ўрганади.
3. Логопсихология- нутқий камчилиги бўлган болалар ва катталарнинг психологиясини ўрганади.
4. Тифлопсихология- кўришида муаммолари бўлган болалар ва катталар психологиясини ўрганади.

Махсус психологиянинг юқорида келтирилган йўналишлари ўз мақсад ва вазифаларига кўра ривожланишида камчилиги бўлган махсус эҳтиёжли болалар ва катталар психологиясини ўрганиши билан умумий жиҳатга эга бўлса-да айрим ўзига хос хусусиятларга ҳам эгадир.

Махсус эҳтиёжнинг даражаси ва инсон ривожланишига берадиган таъсири турличадир. Масалан, кўзи ожиз болаларда атроф-мухитни англаш ва идрок этиш имконияти, қар болаларнинг қабул қилиш ва ўзлаштириш имкониятидан фарқ қилгани каби уларнинг психологиясини ўрганувчи фанларнинг предметида ҳам фарқли ҳолатлар мавжуд. Чунки камчилик киши физиологиясида қайсидир бир орган фаолиятининг тўлақонли эмаслигини англаган ҳолда уни ўрнини босиш воситасини танлаш ва таъсир этишни белгилаб беради.

Махсус эҳтиёжли болаларда ҳам соғлом болалардаги каби психик жараёнлар ўз майдонида ҳаракатланади, яъни эволюцион тарзда ривожланади. Бирок, ривожланишдаги ақлий ёки жисмоний камчиликлар ўз ортидан психик жараёнларга бевосита таъсирини беради. ИЧБ соғлом тенгдошларига қараганда психик ривожланишда бир мунча ортида қоладилар. Шу оралиқ тафовутни барҳам бериши ёки қисқаришида махсус психологик ёндашув жуда муҳим воситадир.

Демак, махсус таълим муассасаларида таълим жараёнини самарали ташкил этишда ҳар бир ўқувчининг имкониятлари инобатга олинган ҳолда ёндашилса ва ўқувчининг руҳий олами билан ўртоқлашган ҳолда мўътадил дўстона муҳит яратилса, ҳар қандай камчилик “нуқсон” деб эмас, балки “имконият” деб қабул қилинишига эришилади.

Назорат саволлари

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги “2017-2021 йилларда мактабгача таълим муассасасигача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2707-сонли қарорининг мазмун-моҳияти ҳақида сўзлаб беринг.

2. Махсус психологиянинг мақсад ва вазифалари ҳақида маълумот беринг.

3. Махсус психология нимани ўрганади?

4. Психика нима?

5. ИЧБ нинг психик ривожланишини ўрганиш Сиз учун нима беради?

6. Соғлом ва ИЧБ психологик ривожланишидаги фарқларнинг асосий сабаби нимада?

7. “Жон ҳақида” китоб муаллифи ким?

8. Психик ҳодиса билан физиологик ҳодиса ўртасидаги боғламни қандай шархлайсиз?

9. Инсоннинг акс эттириш босқичларини айтиб беринг.

10. Одамнинг психикаси, онги – бош мия функциясидир. Ушбу фикрларнинг махсус психологияга боғлиқлигини тушунтиринг

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Richard Arum, Melisa Velez. Improving Learning Enviroment: Schol Discipline and Comporative Perspektive. Stanford Universiy Press, USA 2012.

2. H.Fry, S. Ketteridge, S.Marshall. HandbookFor teaching and Learning in Higher Education. New York, Routledge, 2009. 98

3. Eduscol. education.fr./ dossiers.School Education in France. ISBN 978-92-9079-921-4 Available for free downloading from the CEPS website

(<http://www.ceps.eu>) © CEPS, 2009

4. http://cache.media.eduscol.education.fr/file/dossiers/07/3/2013_School_Education_in_France_244073.pdf.

5. Куликов Л. В. Психология настроения. СПб, 1997.

6. Психотерапевтическая энциклопедия/ под ред. Б.Д.Карвасарского. – Санкт-питербург: "Питер", 1998.

7. Семья в психологической консультации: опыт и проблемы психологического консультирования / Под ред. А.А.Бодалева, В.В.Столина. М., 1989.

8. В.А. Нудельман и др. Особенности психического развития глухого ребенка. М.: 1975 г.

9. К.Қ.Мамедов, Ғ.Б.Шоумаров. Ақли заиф болалар психологияси. Т.: 1994 й.

10. О.И. Скороходова. Как я воспринимаю, представляю и понимаю окружающий мир. М.: 1972 г.

11. В.М.Каримова ва бошқалар. Психология. Маърузалар матни. Т.: 2000

12. С.А.Рубинштейн. Основы общей психологии. М.: 1998 г.

13. Овчарова Р.В. Практическая психология образования. Москва. “Академия”.2003.-445 с.

**АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР
МАЗМУНИ**

1-амалий машғулот: Махсус психологиянинг мақсад ва вазифалари, методологик асослари.

Ишнинг мақсади: Тингловчилар билан « Махсус психологиянинг методларини таҳлил қилиш кўникма ва малакалири шакллантириш. махсус психологияда сифат ва самарадорлик масалалари, алоҳида эътиборга муҳтож бўлган болалар ижтимоийлашуви масалалари мавзулари бўйича баҳс – мунозара ўтказиш.

Амалий машғулот топшириқлари

1. Махсус психология ҳақида маълумот беринг.
2. Махсус психология методларини санаб ўтинг.
3. Махсус психология мисоллар келтиринг.

Махсус психологияда текшириладиган психик ҳаёт ҳодисалари жуда хилма-хил ва мураккаб ҳодисалардир. Бу ҳодисалар қандай методлар билан, яъни қайси йўللар билан, қандай усуллар билан текширилади, деган савол туғилади.

Махсус психологияда чинаккам илмий билимга эга бўлмоқ учун психикани текшириш методларини билиш ва шу методлардан фойдалана билиш керак. Ҳар бир педагог кишилар психикасини текшириш учун лоақал энг оддий усулларни билиши лозим.

Ҳар бир фан каби махсус психология ҳам психик (руҳий) ҳаёт ҳодисаларини чинаккамига илмий асосда билиб олиш учун қуйидаги талабларига амал қилиш лозим:

1.Текшириладиган ҳар бир психик ҳодисага бошқа ҳодисалар билан боғланган деб қаралиши зарур. Масалан, психик ҳодисанинг унинг нерв физиологик асосдан ажратиб ўрганиш ярамайди, хотирани тафаккур, диққат ва умуман шахсдан ажратиб ўрганиш ярамайди ва ҳоказо.

2. Ҳар бир психик ҳодиса ва умуман ИЧБ нинг туғилиши, шахс сифатида шаклланиши, тараққий этиши ва ундаги ўзгариш жараёнида кўздан

кечирилиши зарур. Шунинг учун, масалан, болалар ва ўсмирлар психикасининг тараққиёт қонунларини билмасдан туриб, вояга етган одам психикасининг етарлича яхши билиб бўлмайди. Психик ҳаёт ҳодисаларнинг уларнинг тараққиёт жараёнидан ўрганганда миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтишини ва бир сифат ҳолатининг иккинчи сифат ҳолатига ўтишини кўздан кечирмоқ керак. Масалан, одам психикасининг тараққий этишини ўргана туриб, билим олиш ва тўплаш жараёнида одамнинг билиш қобилиятлари: хотираси, тафаккури ва нутки, мушоҳадакорлиги сифат жиҳатидан ўзгаришни кўрсатиб берса бўлади. Одам онги унинг тарихий тараққиётида шаклланади.

Ҳозирги мустақиллик шароитида миллий онгнинг шаклланишига тааллуқли умумий илмий қонуниятларни излаш, янгича тафаккур қилиш ва дунёқарашни шакллантириш миллий мафкура ва миллий ғояни шаклланишига ижобий таъсир кўрсатади.

ИЧБнинг теварак атрофдаги воқеъликни билиши кузатишдан, тажрибадан бошланади. Шу сабабли, илмий психология ҳам ўз мавзуини ўрганишни тажрибадан, психик ҳаёт фактларини аниқлаш, тасвир этиш ва таҳлил қилишдан бошлаши лозим. Сўнгра, аниқланган ва таҳлил қилинган фактлар асосида, психик ҳаёт қонуниятларини очиб, тегишли назарий ва амалий хулосалар чиқарилиши лозим.

Ҳар бир фандаги каби махсус психологияда ҳам тажриба, кузатиш ва эксперимент шаклида қўлланилади.

Кузатиш ва экспериментдан ташқари, илмий текширишнинг бошқа махсус методлари: суҳбат методи, биография методи, солиштирма тарихий метод ва бошқа методлар ҳам қўлланилади.

Кузатиш методи. Психик ҳодисалар ҳаётда, яъни табиий шароитда, одамнинг турли-туман фаолиятида қандай кўринишда воқе бўлса, ўша кўринишда кузатиш методининг ёрдами билан ўрганилади.

Ташқи кузатиш. Психик ҳаёт ҳодисаларини ўрганишда аввало ташқи кузатиш методи тадбиқ этилади.

Кузатишнинг асосий хусусияти шундаки, бу метод ёрдами билан психик ҳаётни сезги органларимиз бевосита сеза оладиган, ўзимиз бевосита идрок қила оладиган фактлари аниқланади ва тасвирланади. Кишининг психик ҳаётида: мимика, имо-ишора, нутқ, турли ҳаракатлар ва умуман кишининг бутун хатти-ҳаракати ва фаолиятини бевосита кузатиш бемалол мумкин.

Психик жараёнлар билан бевосита боғланган баъзи бир физиологик ҳодисалар турқнинг ўзгариши, нафас олиш, қон айланиш ва шу кабиларнинг ўзгариши ҳам ташқаридан кузатилса бўлади. Кузатиш маълумотларини сўзлар билан тасвир этиш билан кифояланиб қолмай, балки кўрсатма воситалари, суратга олиш, кинога олиш, товушни ёзиб олиш ва шу каби йўллар билан ҳам қайд қилиш мумкин. Масалан, болалар нутқини ўсиб боришини кузатиш йўли билан текшира оламиз. Бунда боланинг сўз бойлиги қандай қилиб секин-аста орта боришини, нутқнинг фонетик томонини, грамматик тузилишини шу бола қандай билиб олаётганини қайд қилса бўлади. Одамнинг теварак-атрофдаги воқеликни ўзгартириш ва янгидан кўришида дуч келган тўсқинликни ва қийинчиликни енгиш учун унинг қандай зўр ирода билан сабот-матонат кўрсатишини ҳам кузатиш йўли билан кўздан кечирсак ва текширсак бўлади. Психик ҳаёт ҳодисаларини ўрганаётганда психологнинг ўз-ўзини кузатиш методига ҳам мурожаат қилиб туришига ҳам тўғри келади.

Ўз-ўзини кузатиш

Номидан кўриниб турибдики, тадқиқотчи ўз-ўзини кузатиш билан ўзидаги психик ҳодисаларни текширади. Бу ҳолда тадқиқотчи психик жараёнлар ва ҳолатларнинг ички томони-одамнинг субъектив кечинмалари қандай рўй берса, уларни шу ҳолида тасвир этиш ва аниқлаб олишга интилади. Психолог ўз тадқиқотларида текширилган кишиларнинг ўз-ўзини кузатиб олган маълумотларига ҳам асосланади.

Психология вужудга кела бошлаган V асрдан тортиб то бизнинг эрамизгача ва XIX асрнинг деярли охиригача ўз-ўзини кузатиш методи ёки интроспектив метод руҳий ҳаёт ҳодисаларини билишнинг бирдан-бир методи бўлиб келди деса бўлади.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ўз-ўзини кузатиш методига танқидий кўз билан қараладиган бўлиб қолди. Бу методнинг бир қанча камчиликлари борлиги маълум бўлди.

Ўз-ўзини кузатишда тадқиқотчи ҳам текшириладиган объектга, у ҳам текширувчи объектга бўлиниб қолиши бу методнинг энг муҳим камчилиги эканлиги кўрсатилди. Ҳолбуки, нормал кишилар шахсининг амалда бундай «бўлиниб кетиши» мумкин эмас.

Ўз-ўзини кузатишда психик ҳодисаларни (масалан, шодлик ёки қайғу ҳиссини, тафаккур жараёнини) ҳам бошдан кечириш, ҳам шу ҳодисаларни ўрганиш жуда қийин эканлиги, баъзан эса бутунлай мумкин бўлмаслиги кўрсатиб ўтилди. Ўз-ўзини кузатиш методининг чекланганлигини ҳам унинг камчилиги деб билиш керак. Психолог ўз-ўзини кузатиш йўли билан фақат ўз психикасини ўрганади-да, ахир. Шундай бўлгач, одам психикаси ҳақидаги фан фақат психологларнинг ўз психологиясига айланиб кетади. Бундай психология маданий тараққиёт жиҳатидан юксак даражада турган, ўз ихтисосига кўра ўзини-ўзи кузата оладиган ва ўзини-ўзи муҳокама қила оладиган кишилар психикаси ҳақидагина билим беради. Аммо маданий тараққиётнинг пастрок босқичида турган кишилар психикаси ҳақидаги таълимот ҳам, болалар психикаси ҳақидаги таълимот ҳам психологияга кўшилиши керак. Маданий тараққиётнинг пастрок босқичида турган кишилар ва болалар эса фан нуқтаи назаридан ўз-ўзини кузата олмаслиги табиий. Демак, ўз-ўзини кузатиш йўли билан одам психик тараққиётининг турли босқичлари ҳақида билим олиб бўлмайди.

Ниҳоят, ўз-ўзини кузатиш методининг яна бир катта камчилиги шуки, бу йўл билан олинган маълумотлар психик ҳаёт ҳодисаларини турли йўсинда бир томонлама, субъектив талқин қилишига олиб келиши мумкин. Масалан, одамнинг характерини текшираётган психологнинг ўзи эгоист бўлса, ўз-ўзини кузатиш натижаларидан, эгоизм - ҳар қандай характернинг муҳим белгисидир деб хулоса чиқариши мумкин. Дунёда саҳий, олижаноб характерли кишилар борлигини бундай психолог фақат ўз-ўзини кузатиш йўли билан била олмайди. Зоҳиран кўринадиган нарса бу ерда ҳақиқат бўлиб туюлиши, якка ҳодиса умумий ҳодиса бўлиб туюлиши мумкин. Ҳолбуки, ҳар қандай илмий билим объектив ва чин билим бўлиши керак.

И.П.Павлов ўз-ўзини кузатиш йўли билан аниқлаб олиши мумкин бўлган субъектив психик ҳодисалар ҳақида гапирар экан, бундай деб ёзган эди: «Албатта, бу (субъектив – П.И.) ҳикматлар биз учун биринчи даражали воқеъликдир, улар кундалик ҳаётимизни йўлга соладиган, инсон жамиятининг тараққий этишига сабаб бўлади. Аммо субъектив ҳолатларга қараб яшаш бошқа-ю, уларнинг механизмини чинакамига илмий таҳлил қилиш бошқа».

Ўз-ўзини кузатиш йўли билан субъектив равишда кўнгилдан кечадиган фактларни аниқлаш, тасвирлаш мумкин, аммо уларни ҳар томонлама тушунтириш мумкин эмас.

Психик ҳодисани тушунтириш – унинг сабабини, нерв-физиологик асосини топиш ва одам яшайдиган ижтимоий шароит билан боғланганлигини аниқлаш демакдир, буларнинг ҳаммаси эса ўз-ўзини кузатиш доирасидан ташқаридадир. Фаннинг вазифаси фактларни тасвир этишдангина иборат эмас, балки асосан шу фактларни тушунтириш, уларнинг қонуниятларини кашф этишдан иборат. Объектив методдан фойдалангандагина бунга эришиш мумкин. Аммо, ўз-ўзини кузатиш методининг юқорида айтилган камчиликлари бу методни психологияда кераксиз, ғайри илмий метод деб бутунлай рад этишга асос бўлмаслиги керак, албатта. Бу камчилик ва

қийинчиликларнинг ҳаммаси ҳам ўз-ўзини кузатишда учраши мумкин, лекин улар ҳамيشа, ўз-ўзини кузатишнинг ҳар қандай бўлавермайди. Аввало, одам ўз-ўзини кузатиш объекти бўлолмайди, деган даъво асоссиз деб билиш керак. Одам онги тараққий этган бўлса, маълум психик жараёнларни бараварига бошдан кечириши ҳам, кузатиши ҳам мумкин, одамнинг хусусияти ҳам шундан иборат. Одам кузатиш билангина қолмай, психик жараёнларга таъсир ўтказиши, турли психик жараёнларни юзага чиқариши, ўзгартириши, кучайтириши ва тўхтатиши мумкин. Бу ҳар кимга яхши маълум бўлган фактдир.

Ҳар қандай ишда учрайдиган қийинчиликлар каби ўз-ўзини кузатишда учрайдиган қийинчиликлар ҳам ҳамيشа бартараф қилиб бўлмайдиган қийинчиликлар эмас, албатта. Кучли-эмоционал ҳолатлардагина ўз-ўзини кузатиш мумкин бўлмай қолиши мумкин. Бундан ташқари, психик ҳаёт ҳодисаларини дастлаб бошдан кечириш пайтидагина ўрганиш шарт эмас, уларни эсга тушириб, кўнгилдан кечириш ҳам мумкин. Кўпинча ҳозир бошдан кечаётган ҳодисалар эмас, балки илгариги ҳодисалар ўз-ўзини кузатиш объекти бўлади. Бўлиб ўтган ҳодисалар дастлабки пайтдагидай тўла ва равшан гавдаланмайди, албатта. узил-кесил хулоса чиқарганда буни ҳисобга олиш шарт. Ўз-ўзини кузатиш методи илмий асосда татбиқ этмоқ учун махсус тайёргарлик керак, албатта. Илмий тадқиқотлардан биронтасини ҳам махсус тайёргарликсиз олиб бориш умуман мумкин эмас. Психология ўз-ўзини кузатиш методидан ягона метод сифатида фойдаланса ва психик ҳаётнинг субъектив ҳодисалари уларнинг ташқи ифодаларидан, уларга асос бўладиган нерв-физиологик жараёнлардан алоҳида, одамнинг фаолиятидан: алоҳида кўздан кечириладиган бўлса, фақат шундагина ўз-ўзини кузатиш методида бир томонлама хулоса чиқариш ва субъективизм рўй бериши мумкин. Ташқи ва ички кузатишнинг бирлиги одам психикасини фақат ўз-ўзини кузатиш методи билан ўрганиб бўлмаса, фақат ташқи кузатиш йўли билан, яъни ўз-ўзини кузатиш маълумотлари билан боғланмаслиги ҳам мумкин эмас. Ўз-ўзини

кузатиш методининг аҳамиятини тамомила инкор қилиш – одамнинг юксак даражадаги билиш қобилиятига, ижодий қобилиятига, онгига ишонмаслик демакдир. Бошқа кишиларни кузатишнинг хусусияти шундаки, тадқиқотчи шу кишилар хулқ-атворининг ташқи кўринишларини идрок этар экан, кўнглидан кечаётган ҳисларини бир қадар биледи. Шу сабабли психолог ташқаридан кузатиш йўли билан ва ўз-ўзини кузатиш маълумотларига таяниб, одамнинг турли хатти-ҳаракатларини тасвир этиш билангина кифояланиб қолмай, балки умуман психик ҳаёт ҳодисалари ҳақида, уларнинг ташқи ва ички (субъектив) кўринишлари ҳақида хулосалар ҳам чиқариши мумкин. Тадқиқотчи психолог кишилар билан муомала қилишда турмуш тажрибасига ва илмий текшириш ишларида етарли амалиётга эга бўлганида психик ҳаётнинг ташқи кўринишларини кузатар экан, психик жараёнларнинг субъектив суратда қандай кечишини ҳам озми-кўпми оча олади. Масалан, тафаккурни кузатиш йўли билан текширганимизда кўз, юз мускулларидаги хилма-хил ҳаракатларни ва турқининг ўзгаришини қайд қилибгина қолмай, балки, шу билан бирга, шу тафаккур жараёнлари қандай забт ва қандай тезлик билан рўй беришини ҳам бир қадар била оламиз. Модомики тафаккур жараёнлари ташқи муҳитда ўз ифодасини топар экан, тафаккурнинг мазмунини била оламиз, тафаккур жараёни қай шаклда рўй бераётганини, масала қандай келиб чиқаётгани, масалани ечиш жараёни қандай бораётганини ҳам кузата оламиз.

Кузатиш методи психик ҳодисаларни фақат тасвир этиш имконини бериш билангина чекланиб қолмай, балки шу ҳодисаларни тушунтириш, яъни уларнинг теварак-атрофдаги муайян тарбияга, одамнинг фаолият характерига, организмнинг умумий аҳволига ва нерв системасининг ишлаш хусусиятларига боғлиқ эканлигини очиб ташлаш имконини ҳам беради.

Одамзод фаолиятининг хар хил турларида психикани текшириш учун кузатиш методидан фойдаланилади. Кузатиш ёрдами билан болалар психикаси ҳам уларнинг ўйин, ўқиш ва меҳнат фаолиятида бемалол текшириб

ўрганилади. Педагог, таълим ва тарбия жараёнида болаларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини текшириб ўрганишда ана шу методдан фойдаланади.

Психологияда кузатиш методи одам ҳаёти ва фаолиятининг одатдаги шароитидагина эмас, балки шу билан бирга клиника шароитида психиканинг касаллик оқибатида ўзгарганлигини текширишда ҳам қўлланилади. Айни вақтда касалликни текшириш учунгина эмас, шу билан бирга одамнинг нормал аҳволидаги психик ҳодисаларни яхшироқ тушуниб олиш учун ҳам клиник кузатиш маълумотларидан фойдаланилади.

Эксперимент методи

Кузатиш методининг ижобий томони шундаки, бу метод ёрдами билан психик ҳаёт фактлари уларнинг табиий суратда рўй беришида, боришида ва ўзгаришида олиб ўрганилади, яъни ҳақиқатда, кишиларнинг кундалик турмушида қандай рўй берса, ўшандай ҳолида текширилади. Аммо бу методдан фойдаланганда баъзи бир унғайсизлик ва қийинчиликларни учратишга тўғри келади, масалан, бу ерда тадқиқотчи психологнинг текшириши учун қайси психик ҳодисаларнинг юзага чиқиши керак бўлса, ўша ҳодисалар юзага чиққан кишиларни қидиришга ёки бирон кишида, баъзан психологнинг ўзида шу ҳодисаларнинг юзага чиқишини кутиб туришга тўғри келади. Эксперимент методидан фойдаланганда бу унғайсизлик ва қийинчиликлар барҳам топади ёки камаяди. Психологияда экспериментнинг икки тури: лаборатория эксперименти ва табиий эксперимент тафовут қилинади.

Лаборатория эксперименти. Лаборатория экспериментининг моҳияти шундаки, текширувчи киши текшириладиган психик ҳодисани қачон керак бўлса ўша вақтда атайлаб вужудга келтиради. Бунда текширилаётган психик ҳодиса табиий шароитда биргаликда содир бўладиган бошқа психик ҳодисалар комплексидан ажратиб олиниши мумкин. Бу ерда муайян бир психик ҳодисани вужудга келтирган шароит сунъий йўл билан

ўзгартирилиши, психик ҳодиса давом этадиган шароит ўзгартирилиши мумкин. Шунинг учун ҳам психик ҳодисаларнинг қонуниятлари методи билан текширишда яхшироқ очилади. Текшириладиган ҳодисалар шу материал ва асбоблар ёрдами билан вужудга келтирилади, шунингдек, психик ҳодисаларнинг тезлиги, кучи, ҳажми ва шу кабилар қайд қилинади.

Техника жуда тараққий этган ҳозирги замонда психологик тадқиқотлар учун (айниқса меҳнат психологияси соҳасида) электрон асбоблар ва кибернетик методлар, масалан, моделлаштириш усули қўлланилмоқда. Экспериментал тадқиқотлар асосан маҳсус лаборатория ва институтларда ўтказилади. Айрим психик ҳодисаларни мукамал ва аниқ, ўрганиш мақсадида психологияга доир илмий текшириш муассасаларида маҳсус бинолар, масалан, товушни ва ёруғликни ўтказмайдиган кабинетлар, ёруғлик таъсирини ўзгартиришга мосланган кабинетлар ва шунга ўхшаш хоналар қурилади. Ёш психологияси билан педагогик психологияга доир масалалар юзасидан кўпгина экспериментал тадқиқотлар одатда, болалар боғчалари ва мактабгача таълим муассасасиларда ўтказилади. Бу тадқиқотларда болалар ўрганилади. Хотира жараёнларини текширишда қўлланиладиган қуйидаги усул лаборатория экспериментига мисол бўла олади: эксперимент қилаётган киши текширилаётган кишининг олдида ўн икки сўз қилиб беради. Текширилаётган киши ана шу эшитган сўзларини белгиланган вақтдан кейин айтади. Ана шу сўзларнинг қанчалик тўлиқ, аниқ, ва тез айтиб берилиши текшириш натижаларидан билинади. Худди шундай экспериментлар қилиб, сўзларни, рақамларни ёки қандай бўлмасин бошқа материални ёдлаш тезлиги, эсда нечоғли маҳкам сақлаш, унутиш тезлиги ва шу кабиларни аниқлаш мумкин.

Экспериментал методни биринчи марта физиолог Вебер (1795–1878) ва физик Фехнер (1801 – 1887) сезгиларни текширишда қўлланилган экспериментал тадқиқот усулларини Вильгельм Вундт (1832 – 1920) мукамал ишлаб чиққан. 1879 йилда В. Вундт Лейпцик университети ҳузурида

экспериментал психология бўйича биринчи лабораторияни очган. XIX аснинг охирида Россияда экспериментал психология бўйича бир қанча лабораториялар вужудга келтирилди. Токарский – Москвада, Бехтерев – Қозонда, Н.Н.Ланге - Одессада шундай лаборатория очишган. 1911 йилда Москва университети ҳузурида профессор Челпанов раҳбарлиги остида экспериментал психология институти очилди. Махсус қурилган бинога жойлаштирилган ва яхши жиҳозланган бу институт ҳозирги вақтда РСФСР педагогика фанлари академияси системасига киради. Тошкентда биринчи лаборатория П.И.Иванов раҳбарлигида ТДПИ да ташкил этилди. Эндиликда техника тараққий этиши муносабати билан лаборатория эксперименти текширилаётган психик ҳодисаларга алоқадор бўлган физиологик жараёнларни, масалан, юрак ва қон томирлари, ички секреция безлари фаолиятидаги ўзгаришларни, амалий иш вақтида миёдаги электр тоқларининг ўзгаришини ҳам назарда тутиш имконини беради. Айниқса И.П.Павловнинг шартли рефлекслар методи психология учун ғоят самарали методдир. Лаборатория эксперименти психологияни тараққий эттиришда катта аҳамиятга эга. Юқорида айтилганидек, бу метод текширилиши лозим бўлган психик ҳодисаларни қачон керак бўлса, шу вақтда вужудга келтириш ва ўзгартиришга, тажрибани кўп марта такрорлаш йўли билан шу ҳодисаларни синчиклаб таҳлил қилишга имкон беради. Эксперимент бир хил психик ҳодисаларнинг иккинчи хил психик ҳодисалар билан боғланишини аниқроқ, билишга имкон беради. Жумладан, психик жараёнларнинг физиологик механизмлари кўпроқ эксперимент йўли билан аниқланади. Лабораторияда қилинадиган эксперимент методлари билан олиб борилган текшириб чиққан натижа ва хулосаларни текшириб кўришга ҳам имкон беради.

Ҳозирги замон психологиясининг кўпгина муваффақиятлари лаборатория эксперименти туфайли қўлга киритилган. Эксперимент методи психология соҳасида қўлланиш психология маълумотларини педагогикага кенг татбиқ этишга имкон беради. Аммо психологиядаги лаборатория экспериментининг

камчиликлари бор. Шу камчиликлардан энг муҳими шуки, бу методда сунъийлик бор. Эксперимент ўтказиладиган шароитнинг ўзи текшириладиган кишиларнинг психик ҳолатига, демак, текшириладиган ҳодисаларга ва текшириш натижаларига салбий таъсир этиши мумкин. Масалан, ўқувчининг ўзига берилган ўқув материални нима учун хотирада қолдириш кераклигини билиб, мактабгача таълим муассасасида ёки уйда дарс тайёрлаши унинг учун одатдаги бир ишдир, аммо худди шу ўқувчининг лаборатория шароитида, махсус асбоблар қўлланиладиган одатдан ташқари эксперимент шароитида, атайлаб тайёрланган эксперимент материални эсга олиб қолиш жараёни бошқача тусда ўтиши мумкин. Шунинг учун ҳам лаборатория эксперименти психик ҳодисаларни ўрганишда психологиянинг бошқа методлари билан бирга қўлланилади.

Лаборатория эксперименти методидан фойдаланганда текширилувчи кишиларнинг психикасига ва экспериментнинг натижаларига таъсир эта оладиган шароитни назарда тутмоқ керак. Лаборатория экспериментининг натижаларини бошқа методлар ёрдами билан текшириб кўриш керак.

Табиий эксперимент. Табиий эксперимент методи оддий объектив суратда кузатиш методи билан лаборатория эксперименти методи ўртасида туради. Бу методни профессор А.Ф.Лазурский кузатиш ва тажриба методларининг камчиликларидан сақланиш ва иккала методнинг фойдали томонларини кўшиш мақсадида яратган. Табиий эксперимент методининг моҳияти шундаки, бу ерда текширувчи кишининг ўзи текшириладиган кишида (ёки кишиларда) бирон психик процесс (масалан, хотира, тафаккур, диққат) рўй бердириш учун ёки текшириладиган кишиларда индивидуал хусусиятларини (темперамент, ҳавас) рўй бердириш учун махсус шароит туғдиради. Масалан, текшириш лозим бўлган бирон психик процесс одатдаги дарс вақтида ёки ўйин пайтида махсус режа билан, текширилувчининг ўзига сездирмасдан тажриба қилиб синалади. Албатта, бу шароит ва унда текшириладиган психик фаолият дастлаб анализ қилинади. Масалан, болалардаги муаяйн бир психик

жараёнларни, муайян бир характер хусусиятларини, муайян бир қобилиятларни уларнинг бирон бир ўйиндаги фаолияти шароитида текшириладиган бўлса, болаларнинг текшириш назарда тутилган психик жараёни, характер хусусиятлари, қобилиятлари қайси ўйинда, айниқса яққол кўриниши олдиндан билиб олинади. Текширилувчи кишилар шундан кейин текширувчи киши томонидан махсус равишда, лекин текширилувчи кишилар учун табиий бўлган шароитга, дарсга ёки бу ўринда ўйинга жалб қилинади. Текширувчи киши болаларнинг фаолиятини кузатиб туради ва текширилувчи болалар учун табиий шароитда келиб чиқадиган психик жараёнларни ва болаларнинг индивидуал хусусиятларини қайд қилади. Аммо текширилаётган болалар, юқорида айтилганидек, ўз фаолиятлари махсус суратда кузатиб турилганлигини сезмасликлари лозим. Шу шартга риоя қилингандагина, текширилаётган болалар кундалик ҳаёт ва фаолиятда ўзларини қандай тутсалар, махсус йўл билан атайин вужудга келтирилган табиий шароитда ҳам ўзларини ўшандай самимият билан тутадилар. Бундай экспериментнинг табиий экспериментлиги ҳам шундадир. Табиий эксперимент методининг ташқи кузатиш методидан фарқи шуки, текширувчи киши текшириладиган психик ҳодисаларни зарур бўлганда махсус йўл билан атайлаб вужудга келтиради. Сўнгра бу психик ҳодисаларни бошқача бир тарзда вужудга келтириш мумкин ва бунда шу психик ҳодисаларнинг табиий суратда рўй бермоғи учун эксперимент янги бир шароитда ўтказилади.

Психологик-педагогик эксперимент ёки таъсир кўрсатувчи эксперимент – табиий экспериментнинг бир туридир. Бу экспериментнинг вазифаси ўқитиш ва тарбиялаш ишидаги ҳар хил тадбирлар болаларнинг ўзлаштириш даражасини оширишга, шахснинг айрим психик сифатлари таркиб топишига қандай таъсир кўрсатаётганлигини аниқлашдир. Масалан, болаларнинг ўзлаштириш даражасига айрим методик усулларнинг таъсири, болаларда турли ҳавасларнинг таркиб топишига тўғарақлар, лекциялар, суҳбатлар, кино картиналарнинг таъсири текширилади. Лаборатория эксперименти каби,

табий эксперимент методида ҳам тадқиқотчи кўпинча текширилувчилар билан суҳбат қилиб туради.

Сўраш ва суҳбат методи

Сўраш ва суҳбат методи психик ҳодисаларнинг асосан ички, субъектив томонини текшириш учун қўлланилади. Бу методда тадқиқотлар тахминан қуйидагича ўтказилади. Тадқиқотчи психик ҳаёт ҳодисаларининг биронтасини, масалан, одамда шодлик ҳисси субъектив равишда қандай кечишини, поэтик ижодиёт жараёни қандай боришини, иродага боғлиқ ҳаракатларда қарор қабул қилиш жараёни қандай рўй беришини, бирон масалани ечганда тафаккур жараёни қандай боришини ва шунга ўхшаш ҳодисаларни текширишни олдиндан вазифа қилиб қўяди, тадқиқотчи суҳбат вақтида текширилувчи кишига берадиган саволларни олдиндан белгилаб олади. Саволлар шундай тартиб билан танлаб олинадики, текширилувчи кишида қайси кечинмалар ва онг жараёнларини ўрганиш керак бўлса, у ўз жавобларида худди ўша кечинмаларни ва ўша онг жараёнларини ойдинлаштириб берсин.

Текширишнинг қандай боришига ва текширилувчи кишининг индивидуал хусусиятларига қараб, суҳбат вақтида саволларни ўзгартириш, тўлдириш, бошқача қилиб бериш мумкин. Бу вақтда тадқиқотчи текширилувчи кишини кузатиб, масалан, нутқининг хусусиятларини, мимикасини ва шунга ўхшаш хислатларини қайд қилиб туради. Бериладиган саволларга текширилувчи киши тегишли жавоб қайтаради. Текшириладиган ҳодисага ва саволларнинг характерига қараб, текширилувчи киши ички кечинмаларини мукамал тасвирлаб ёки сўз билан истаганча ҳисобот бериб, жавоб қайтариши мумкин, баъзан текширилувчи киши фақат «ҳа» ёки «йўқ» деб жавоб қайтариши лозим бўлиб қоладиган тадқиқот давомида текширувчининг барча саволлари ва текширилувчининг барча жавоблари ипидан игнасигача ўзгартирилмасдан тўла ёзиб олинади, протоколда мукамал қайд қилинади. Иложи бўлса,

текширилувчи кишининг жавоблари магнетофон лентасига ёзиб олинади. Текшириладиган бир неча киши билан, баъзан эса ўнларча ва юзларча кишилар билан муайян бир темада савол-жавоб ва суҳбат қилинади. Шу тарика режадаги дастлабки материал системага солинади, статистик жиҳатдан ишлаб чиқилади, анализ қилинади, классификацияга солиниб, хулоса чиқарилади. Сўраш ва суҳбат методи ўз-ўзини кузатиш методи билан ташқи кузатиш методининг қўшилишидан иборат. Бу ерда ўз-ўзини кузатиш шунда намоён бўладики, тадқиқотчи текширилувчи кишига саволлар бериб, унинг ўз ички онгини чуқурроқ билиб олишга мажбур этади. Текширилувчи киши тадқиқотчининг топшириқларига мувофиқ ва тадқиқотчининг ёрдами билан (саволлар усталик билан берилганда) ўзининг ички ҳолатларини очиб ташлаб, тавсия этади ва нутқида ифодалайди, сўзлар билан жавоб қайтаради. Ташқи кузатиш шунда намоён бўладики тадқиқотчи онг жараёнларини ўзи устида эмас, балки бошқа кишилар устида текширади. Психик ҳаёт ҳодисаларидан биттасини текшириш учун бир киши билан эмас, балки бир неча киши, баъзан эса кўплаб кишилар сўраш ва сўзлаш методи билан текширилгани учун объектив хулоса чиқарилади. Текширилувчи кишилардан биронтасининг сўз билан қайтарган жавобларини бошқаларининг қайтарган жавобларига солиштириб, таққослаб, текшириш мумкин. Суҳбат методининг камчиликлари ҳақида гапирганда, одатда, бу методдан фойдаланишда тадқиқотчининг таъсири бўлиши мумкин деб айтадилар. Тадқиқотчининг таъсири бўлиши мумкинлигини, албатта, ҳисобга олиш ва текширишнинг бошларидаёқ бунга йўл қўймаслик керак. Бунинг учун саволлар шундай берилиши керакки, уларда қандай бўлмасин муайян жавобга ишора ҳам қолмасин. Бундан ташқари, саволлар шундай берилиши керакки, текширилувчи кишининг бир саволга қайтарган жавобларини бошқа саволга қайтарилган жавоблар билан назорат қилиш мумкин бўлсин. Суҳбатни ўзига хос терговга айлантириб юбормаслик керак. Суҳбат самимий, бемалол бўлиши, текширилувчи кишиларнинг психик ҳолатига зўр келмаслиги керак. Суҳбат одам психик ҳаётининг бевосита кузатиш ва экспериментда аниқлаб бўлмайдиган процесс

ва ҳоллари ҳақида маълумот олишга ёрдам берадиган бирдан-бир методдир, дейиш мумкин. Масалан, космосга парвоз қилиш вақтида одамнинг психик фаолият хусусиятлари ҳақида билим олмақ учун тадқиқотчи космонавтларнинг ўзи билан суҳбат қилиши керак.


Суҳбат методи шахснинг индивидуал хусусиятларини (эътиқодлари, ҳаваслари, жамоага муносабати, ўз вазифаларини тушуниш) текширишда, шахснинг ҳаёти ва фаолиятидаги маҳсус воқеалар, қаҳрамонлик, ижодий мақом ва шунга ўхшашларни текширишда қўлланилади. Бу метод ўқитиш ва тарбиялашнинг психик асосларини текширишда, масалан, болаларнинг китобхонликка ҳавасини, айрим дарсларга муносабатини текширишда, болаларнинг уйга берилган топшириқларни бажаришда хотирада қолдириш усулларини, айрим болаларнинг дарсларни суҳб ўзлаштириш сабабларини аниқлашда қўлланилади.

Ҳозир суҳбат методи маҳсус психологияда жуда кенг қўлланилади, жумладан педагогик психология, меҳнат психологияси, ижодиёт психологияси, космик психологияда суҳбат методидан фойдаланилади.

Биография методи. Одам психикасини текшириш учун айрим кишиларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги маълумотлар, айниқса уларнинг ўзлари берган маълумотлар (автобиография, кундалик дафтарлар, мемуарлар, хатлар), шунингдек, бошқа кишилар ёзиб олган биография маълумотлари (биографиялар, эсдаликлар, хатлар, характеристикалар ва шунга ўхшашлар) катта аҳамиятга эгадир. Бу маълумотлар психик фаолият: намоён бўлишининг кузатиш ва эксперимент йўли билан текшириб бўлмайдиган турларини, масалан, ижодий ҳаёл – поэзия, музика, техника ва бошқа шу каби соҳалардаги ижодиёт юксак жараёнларини, илмий кашфиётларда намоён бўладиган тафаккур фаолияти юксак жараёнларини, кучли ирода ва маънавий юксак сифатларнинг алоҳида ифодаси бўлган қаҳрамонликни, шунингдек, гениаллик, талантлик ва зўр қобилият каби хислатларни очишга ёрдам

беради. Одам онги намоён бўлишининг ана шундай турлари тўғрисида энг атоқли кишилар баён қилган фикрларига қараб, ёки ўша шахсларга яқин юрган кишиларнинг гувоҳликларига қараб кўпгина фикр юритиш мумкин. Бундан ташқари, биографияга доир маълумотлар одамнинг индивидуал камолотида тарбия, шунингдек, кишининг фаолияти ва ўзи устида ишлаши қандай ўрин тутгани ва қандай аҳамият касб этганини ҳам билишга ёрдам беради. Фаолият самараларини текшириш. Одамнинг фаолият соҳаларини, унинг меҳнат натижаларини текшириш психикани билиш учун муҳим воситадир. Одамнинг куч ва қобилиятлари у яратадиган нарсаларда гавдаланади. Одамзод фаолиятининг самараларини текширганимизда биз, шу самараларни барпо этган кишилар қандай қилиб фикр қилганликларини, ҳис қилганликларини, нимага интилганликларини, уларнинг иродаси нақадар кучли бўлганликларини, уларда қандай маҳорат ва малакалар бўлганлигини билиб оламиз. Масалан, бирор уй-жойга диққат билан қарар эканмиз, шу уйни қурган кишиларнинг конструкция-техника қобилиятлари қандай бўлгани, уларнинг эстетик диди, маънавий сифатлари, ҳалоллиги, масъулият сезиши ва шунга ўхшашлар ҳақида фикр юрита оламиз. Айрим кишиларнинг, маълум бир давр кишиларининг, муайян ёшдаги кишиларнинг психикасини уларнинг фаолият самараларига қараб билса бўлади. Кишиларнинг меҳнат ва ижодиёт самаралари уларнинг психикасини билиш учун жуда муҳим манбалардир. Бу метод турли ёшдаги болалар психикасининг хусусиятларини текширишда муваффақият билан қўлланилмоқда. Масалан, болаларнинг ўзи чизган расмларидан, ясаган қўғирчоқларидан уларнинг назар доираси нақадар кенглигини, тасаввурларининг характерини ва ҳажмини, тафаккур хусусиятларини, қизиқиш-ҳавасларини ва шунга-ўхшашларни билиш мумкин. Болаларнинг бажарган ишларини таҳлил қилиш педагогнинг дарсдаги материални болаларнинг ўзлаштириш ва зарур малака ҳосил қилиш хусусиятларини, шунингдек болаларнинг қобилият ва ҳавасларини текшириб билиб олишига ёрдам беради.

1-илова



Назорат саволлари:

1. «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» мазмуни нечта тамойилга таянади?
2. «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» мактабгача таълим муассасасига тайёрлаш даври шартли равишда нечта босқичга ажратилади?
3. «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» дастуридан кимлар фойдаланиши лозим?

4. Таълим-тарбия ишлар режасини тузишда асосан қайси ҳужжатдан фойдаланилади?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. С.С.Мирджалилова, М. Ш. Расулева ва бошқалар. “Болажон” таянч дастури. Т.: 2016.

2. Мактабгача таълимга қўйиладиган давлат талаблари. Т.: 2017

3. К.Низомова. “6 ёшли болаларни мактабгача таълим муассасасига тайёрлаш ва мактабгача таълим муассасасига мослашувини ўрганиш.” Т.: 2006.

4. Муминова Л.Р., Хамидова М.У., Абидова Н.З. Махсус психология. –Т.: “Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти», 2013.

5. Мўминова Л.Р., Махмудова О.А., Каримова Ш.А. Нутқни текшириш ва ривожлантириш бўйича логопедик албом. - Т., 2016.

6. Пулатова П.М, Мамаражабова З.Н. Махсус психология. –Т.: Фан ва технология, 2014.

7. Равшанова Н. Мактабгача таълим муассасасигача таълим муассасаларида экологик таълим-тарбия. -Т., 2006.

8. Рахмонкулова З.А. Мактабгача таълим муассасасигача ёшдаги болаларда илк математик тасаввурларни шакллантириш. - Т., 2007.

2-Мавзу: Махсус мактабгача таълим муассасасигача таълим тизимида коррекцион ишлар самарадорлигини ошириш йўллари (2соат)

таянч тушунчалар: адаптация, мотив, компенсация, интеграция, коррекция.

Бугунги кунда мактабгача таълим муассасасигача ёшдаги болаларни ҳар томонлама ривожланган, жисмонан соғлом, ақлан етук ва маънавий жиҳатдан шаклланган этиб вояга етказиш долзарб вазифалардан бири бўлиб келмоқда. Бу каби вазифаларни амалга оширишда албатта замон талабига мос келадиган Давлат талабларини янги, қўшимчалар киритилган вариантини ишлаб чиқиш зарурати туғилди. Шулардан келиб чиққан холда, бир қатор олим ва тажрибали

амалиётчилар иштирокида ушбу Давлат талаблари яратилди. Мазкур Мактабгача таълим муассасасигача таълимга қўйиладиган давлат талаблари (бундан буён матнда Давлат талаблари деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги ПҚ-2707-сонли «2017-2021 йилларда мактабгача таълим муассасасигача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 августдаги 372-сон «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига асосан мактабгача таълим муассасасигача ёшдаги болаларни (бундан буён матнда болалар деб юритилади) мактабгача таълим муассасасигача таълим муассасаларида ҳар томонлама ривожлантириш, таълим-тарбия бериш, кўникма ва малакаларини шакллантириш ҳамда мактабгача таълим муассасаси таълимига тайёрлаш бўйича давлат талабларини белгилайди.

Мақсад - инсон фаолияти сўнгги натижасининг образи сифатида намоён бўлади ва эҳтиёжларини амалга оширилишидир.

Мотив - кишини фаолиятга ундайди ва унга мазмун бахш этади.

Коррекция – тўғирлаш, юмшатиш, ҳаётга мослаштириш, ҳаётда ўз ўринларини топишига кўмаклашиш.

Адаптация – ташқи шароитларга мослашиш бўлиб, бунинг ўзи анализаторларнинг ўзгаришларни сезиш билан боғлиқ физиологик адаптация ва янги гуруҳлардаги янги фаолият турига мослашишдаги психологик адаптацияларга ажратилади.

Компенсация – зарарланган, ишдан чиққан бир аъзо функциясини бошқа аъзонинг қисман бошқариши, тўлдириш тушунилади.

Бундай болалар билан ўтказиладиган коррекцион иш, биринчи навбатда ҳиссиёт ва иродаларни шакллантириш, атрофдагиларга ижобий хулқли муносабатни ривожлантиришга қаратилади.

Интеграция атамаси мактабгача таълим муассасасиларда нафақат бирлаштириш балки болаларни ижтимоий ва нореал таъсирлардан асрашга ҳам

қаратилгандир. Бу жараён болаларда ғояни ривожлантириш учун хизмат қилади. Шунингдек инклюзив мактабгача таълим муассасаси ва синфларда маълум даражада ҳар бир болага тарбиявий ёндашиш учун мажбуриятларгина эмас балки уларга ҳам жисмонан илмий-ижтимоий интеграция жиҳатдан ёндашув жорий этилган. Бу таълим жараёни болаларни қўллаб-қуватлашни ҳам ўз ичига олади (1978-йилдан Ворноск қўмитаси муддатли самарали интеграция жараёни ёлга қўйилган).

Алоҳида ёрдамга муҳтож болалар билан олиб бориладиган психокоррекцион тадбирлар ривожланишдаги оғишларни тўғрилашга йўналтирилган.



Коррекцион мақсадларни қўйиш соҳасида учта асосий йўналиш фарқланади:

1. Ривожланишнинг ижтимоий ҳолатини оптималлаштириш.
2. Боланинг етакчи фаолият турларини ривожлантириш.
3. Ишга доир психологик ҳосилаларни шакллантириш.

Чет эл психологиясида бола ривожланишидаги қийинчиликлар шахснинг ички структураси бузилганда (З.Фрейд, М.Клайн ва қ.к.) ёки муҳит бузилганлигида, еки иккала сабаб бирлашганда юзага келади, деб ҳисоблашади. Коррекцион ишнинг техникаси ва усулларининг танланиши унинг мақсадлари билан белгиланади. Мақсадларни конкретлаштиришда қуйидаги қоидаларни қисобга олиш лозим:

1. Коррекция мақсадлари ижобий шаклда тузилиши керак. Мақсадлар инкор сўзлари билан тузилмаслиги шарт, уларнинг таъқиқловчи ҳарактерга

эга бўлиши ривожланишида камчилиги бўлган болаларнинг ривожланиш имкониятларини, ташаббусларини чегаралаб қўйиши мумкин.

Профилактик - бузилиш ва ортида қолишни олдиндан аниқлаш.

Ривожлантирувчи - тараққиёт мазмунини бойитиш, оптималлаштиришга қаратилганлик.

ПСИХОГИМНАСТИКА

Психогимнастика - бу гуруҳ аъзоларининг ўзини намоён қила оладиган ва нутқсиз муносабатга кириша олишини таъминловчи методдир. Бу самарали восита ёрдамида шахснинг ижтимоий ҳодисаларни идрок қилиши учун энг қулай шароит яратилади, „тана тили„га эътибор берилади,

атроф-ҳаёт муносабатларини ифодалашга имконият яратилади.

Гуруҳ аъзоларининг асосий коммуникация воситаси имо-ишорали ҳаракатлар билан таъсир ўтказиш ҳисобланади. Психогимнастика 3 қисмдан иборат бўлиб, қар бир қисм ўзининг мустақил вазифалари ва шахсий методик воситалари билан характерланади.

1. Тайёргарлик қисми.
2. Пантомимика (имо-ишорали ҳаракатлар) қисми
3. Якуний қисм.

Психогимнастика машғулотининг тайёргарлик қисми.

Вазифалари:

- гуруҳ аъзоларидаги таранг, ҳаяжонли ҳолатни пасайтириш.
- қўрқув ва "мумкин эмас" деган тушунчаларни олиб ташлаш.
- диққатни ривожлантириш
- ўзи ва бошқа одамларнинг ҳаракат фаоллигини сеза олишни шакллантириш.
- гуруҳ аъзолари ўртасидаги эмоционал масофани кискартириш
- ўзи ва бошқаларнинг қис-туйқуларини, ҳиссий ҳолатини, муаммоларини нутқсиз ифодалаш ва тушунишни шакллантириш.

Психогимнастикада пантомимика кисмига коррекциялаш гуруҳида асосий вақт ажратилади. Алоҳида ёрдамга муҳтож бола таклиф қилган мавзулар сўзсиз танланади. Мавзулар дефектолог томонидан ҳам тавсия қилиниши мумкин. Пантомимика учун мавзулар мазмуни чегараланмаган ва алоҳида бир алоҳида ёрдамга муҳтож боланинг муаммоларига, бутун гуруҳ аъзоларининг муаммоларига, шахслараро ҳаракатларга мўлжалланган бўлиши мумкин.

Психогимнастиканинг якуний кисми гуруҳ аъзоларида пантомима кисми давомида пайдо бўлган, муҳим аҳамиятга эга бўлган, кучли эмоциялар, гуруҳ жипслашувининг ортиши, ишонч ва катийликнинг ортиши натижасида ҳосил бўлган таранг ҳолатни кутариб ташлашни назарда тутди.

БИБЛИОТЕРАПИЯ

В.М.Мясишевнинг ёзиши бўйича - " Библиотерапия услуги ўзида китобшунослик, психология, психотерапия, психокоррекциянинг мураккаб қўшилмасини мужассам этади.

Библиотерапия- алоҳида ёрдамга муҳтож болага (ёзма нутқ нуқсонига эга) махсус йўналиш бериш, йўналтирувчи таъсир этиб, махсус танланган адабиётни ўқитиб, руҳий ҳолатини нормаллаштириш ёки оптимизасиялашга қаратилади.

А.М.Миллернинг кўрсатиши бўйича учта қуйидаги принципни ҳисобга олиш

керак:

- баён этилаётган асарнинг тушунарлилиги (таклиф қилинган китоб мураккаблиги даражаси);
- китоб қақрамони алоҳида ёрдамга муҳтож болага мос(тушунарли) бўлиши;
- китобнинг мазмун ҳолати алоҳида ёрдамга муҳтож боланинг қозирги ҳолатига максимал ўхшашлиги.

Охирги принципни ҳисобга олиш шахсий ва одамлараро дефектологик қарама- қаршилиқлар мавжудлигида зарур.

Музикатерапияда даволовчи метод мусиқа орқали бўлади. Мусиқа билан даволаш ҳиссиётларни пасайишида, кўрқувда, тил билан бўлган муоммаларда, тарбиянинг бўзилиши каби нуксонларда ёрдам беради.

Музиканинг нафакат ҳиссиётларнинг зурикишини нормаллаштиради, балки хирсий мувозанат учун ҳам асосий жой эгаллайди.

Мусиқа терапиянинг 4та асосий йўналиши бор:

1. Психотерапияда эмасианал фаоллашуви.
2. Шахслараро мулокат малакаларини ривожлантириш.
3. Психовегетатив жараёнларга тугри ёндашиш таъсири.
4. Эстетик талабларининг кучайиши-катарсис-эмасианал ҳолатини тартибга

солувчи

шароит.-шахсий кечинмаларни тушинишини енгиллаштириш;

-ҳаётий муоммаларни конфронтасия қилиш;

-жамиятдаги фаолликнинг ошиши.

Рақс терапияси

Рақс терапияси, эмоционал номутаносиблиги мавжуд бўлган, муомала қилмаслик, ўзаро муомала муаммоси бўлган одамлар учун қўлланилади.

Бу услубни қўллаш психологдан чуқур тайёргарликни талаб қилади, чунки бундай таъсирда кучли эмоциялар уйғониши мумкин, бу эса қал этилишни талаб этади. Рақс ҳаракатлари жисмоний контакт ва шиддатли ўзаро муомала билан кучли ҳиссиёт уйқониши мумкин.

Рақс терапиясининг мақсади ўз танасини сезишни ривожлантириш, тана позитив образини яратиш, муомала одатларини ривожлантириш, сезгиларни тадқиқ этиш ва гуруҳ тажрибасини ортириш.

“Хатти-ҳаракатидан кимлигини топ!” ўйини

Дастлаб болалар айлана шаклида туриб, дефектолог билан биргаликда турли эртак қахрамонларини хатти-ҳаракати, мимикаси ва ҳолатини тасвирлашади. Сўнг болалар стулларга ўтиришади, дефектолог ҳар бир болани чақириб маълум эртак қахрамони ва унинг маълум вазиятдаги ҳолатини

кўрсатиб беришни таклиф этади (бошқа болаларга айтмаган ҳолда). Томошабинлар эртақ қахрамонларини топишади ва уни турли вазиятларда таърифлаб беришади. Дефектолог болаларга йўналтирувчи саволлар орқали таърифлар тузишга ёрдам беради.

Тарбиячи: Азизага диққат билан қаранг. У қайси эртақ қахрамонини кўрсатиб беряпти?

Болалар: Азиза кампирни кўрсатиб беряпти.

Тарбиячи: Тўғри, буни қандай аниқладингиз? Азизанинг кўзлари ғамгинми ёки хушчақчақми?

Болалар: Азизанинг кўзлари хушчақчақ.

Тарбиячи: Азизанинг қўллари кўксидами ёки пастга туширилганми?

Болалар: Азизанинг қўллари кўксида.

Тарбиячи: Азиза тез юряптими ёки секинми?

Болалар: Азиза секин юряпти.

Дефектолог. Азиза қайси вазиятдаги кампирни кўрсатяпти: кампир йиғлаб, ҳайвонлардан Олақўзни уйғотишни сўраяптими ёки хурсанд бўлиб, ҳаммани сут билан меҳмон қиляптими?

Болалар: Азиза ҳаммани сут билан меҳмон қилаётган кампирни кўрсатяпти.

Тарбиячи: Кампирнинг қайси ҳаракатлари сизга уни хушчақчақ, меҳмонга чақираётганини тушунишингизга ёрдам берди?

Болалар: Кампир хурсанд, қўлини кўксида, ҳаммани меҳмонга чақиряпти.

“Бу ниманинг ритми?” ўйини

Дастлаб болалар қўлларини столга қўйиб, дефектолог билан бирга табиат ҳодисаларни ритмлашни эсга туширишади. Сўнг дефектолог эртақдаги маълум ҳодисани ритмини тасвирлаб беришни истаган таклиф этади. Тингловчилар уни қайси ҳодисага хослигини аниқлаб, уни ритми динамикасини таърифлаб беришади. Болалар дефектолог ёрдамида ритмик расмни таърифловчи икки-учта гап тузишади.

Тарбиячи: Болалар бу ритм нимага ўхшайди? Ёмғир томчиларига-ми, момақалдироқ чакнашигами? Уни қандай ажрата олдингиз? Камола бармоқлари билан столга қаттиқ тукиллаттими ёки секин-ми? Тез тукиллаттими ёки секинми?

Болалар жавоб беришади: Камола бармоқлари билан енгил ва тез тукиллатди, демак, бу момақалдироқ эмас, ёмғир.

“Муסיқани тинглаб, жавобни топ!” ўйини

Болалар муסיқий парчаларни тинглаб, уларни эртақнинг қайси эпизодига оидлигини аниқлашади ва муҳокама қилишади: момақалдироқ чакнаши(М.И. Глинка. «Черномор марши»), ёмғир ёғиши(Ф.Шопен, Скерзо № 1). Болалар дефектолог ёрдамида муסיқий парчани ва эртақ эпизоди динамикаси ва кайфиятини тасвирловчи икки-учта гап тузишади.

Тарбиячи: Муסיқа қандай кайфиятга эга: кўрқинчми ёки хушчақчақликми? Бу муסיқанинг мароми тез-ми, секин-ми? Оғирми, енгилми?

Болалар жавоб беришади. Бу муסיқа енгил, шўх ва тез, демак бу момақалдироқ эмас, ёмғир томчилашидир.

Назорат учун саволлар:

1. Мактабгача таълим муассасасигача таълим тизимида коррекциянинг аҳамияти ҳақида гапириб беринг.
2. Коррекция ва фаолият ҳақида сўзлаб беринг.
3. Мактабгача таълим муассасасигача таълим тизимининг коррекцион вазифалари ҳақида гапириб беринг.
4. Болалар билимини назорат қилиш ҳақида маълумот беринг.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. Т.: 1997
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги ПҚ-2707-сонли «2017-2021 йилларда мактабгача таълим муассасасигача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 августдаги 372-сон «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори.

4. Мактабгача таълим муассасасигача таълимга қўйиладиган Давлат талаблари, Т.: 2017.

5. Ғозиев Э. Тафаккур психологияси. – Т.: Ўқитувчи, 1990.

6. Хайруллаев М.М., Ҳақбердиев М. Мантқ: Тузатилган ва тўлдирилган. - 2-нашр. – Т.: Ўқитувчи, 1993. – 304 б.

7. “Мактабгача таълим муассасасигача таълим” журнали 2010 йил 1-сони

8. А.Бахромов “Қувноқ ҳарфлар”, Т.: “Шарқ”, 2008 йил,

9. Ў.Толипов, М.Усмонбоева Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари. –Т.: 2006.

10. Иващенко Е.В. Профессиональная подготовка будущего учителя начальной школы к оценке учебных достижений младших школьников //Начальная школа/. – 2007. № 11.

11.К.Низомова. “6 ёшли болаларни мактабгача таълим муассасасига тайёрлаш ва мактабгача таълим муассасасига мослашувини ўрганиш”. Т.: 2006.

12. М. Ғайбуллаева. “Бир ёшдан уч ёшгача бўлган болалар тарбияси” Т.: 2006.

13.Т.С.Усмонхўжаев ва бошқ. “Мактабгача таълим муассасасигача таълим муассасаларида жисмоний тарбия”.Т.: “Илм Зиё”, 2006

14.К.М.Маҳкамжонов ва бошқ. “Мактабгача таълим муассасасигача ёшдаги болаларнинг умумий ва кенгайтирилган жисмоний тарбияси”. Т.: “Илм Зиё”, 2006

15.“Ота-оналарга мактабгача таълим муассасасигача ёшдаги болаларнинг гигиеник тарбияси ҳақида”. Тузувчи: Д.Ж.Шарипова. Илм Зиё наш. Т.2007

16. М.Нуриддинова. Ёзги мавсумга методик тавсия. Тошкент, 2015

17. М.Файзуллаева. Мактабгача таълим муассасасигача таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнини режалаштириш. Т.: 2015

Амалий машғулот топшириқлари

1. Турли гуруҳларда машғулот жадвалларини тузиб чиқинг.
2. Бир кунлик жараённи режалаштириб беринг.

Ўргимчак тўри.



Назорат саволлари:

1. Таълим - тарбия жараёнида коррекцион ишлар нима мақсадда режалаштирилади?
2. Режалаштиришнинг афзалликлари нимада?
3. Тарбиячи ва дефектологнинг ўзаро ҳамкорлиги қандай амалга оширилади?
4. Турли гуруҳларда коррекцион машғулотлар жадваллари қандай тузилади?

3- мавзу: Махсус таълим муассасаларида психологик хизматни ташкил этишнинг ўзига хослиги

РЕЖА:

1. Психологик хизмат йўналишлари ва уларнинг вазифалари.
2. Психологик хизматдан самарали фойдаланиш йўллари.

Таянч тушунчалар: Психологик профилактика, психокоррекция

психологик маслаҳат, психологик консультация

3.1 Психологик хизмат йўналишлари ва уларнинг вазифалари.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимидаги мактабгача таълим муассасасигача таълим муассасалари тарбияланувчиларининг ва умумий ўрта таълим мактабгача таълим муассасасилари, жумдан махсус таълим муассасалари болаларининг *руҳий соғломлигини муҳофаза қилиш, педагогик жамоаларда соғлом психологик муҳитни таъминлаш* мақсадида амалиётчи психолог штати жорий этилган. Бу ўта масъулиятли ва ижтимоий аҳамиятга молик вазифадир.

Педагогик жамоаларда соғлом психологик муҳитни таъминлаш, педагогларни беғараз рақобатга йўналтириш амалиётчи психологга улкан масъулият юклайди. Психолог Н.Д.Гольдманнинг таъкидлашича, «...талай мамлакатларнинг таълим тизимида шу кунгача тўпланган тажрибаларни ўзлаштиришгагина эмас, балки интеллектни, унинг таҳлилий, танқидий, концептуал фикрлашини, талабани келгуси ҳаёт учун яхшироқ тайёрлаши керак бўлган ахборотга баҳо бериш ва ундан фойдаланиш малакаларини ривожлантириш сари йўл олинган. “Келажак кўникмалари” ни ҳосил қилиш устиворлик қилмоқда. Билимлар, профессионализм ва интеллектдан ташқари, кадрларнинг фаолият натижалари позитив коммуникация, эътиқодлар, қадриятлар таъсири ва, ниҳоят, *рақобатбардор муҳитда ўзининг муваффақият қозона олишига бўлган ишончга* тобора кўпроқ боғлиқ бўлиб бормоқда». Ишонч эса ижобий руҳий ҳолат саналиб, касб эгаларини маҳорат чўққисини забт этиш сари кучли рағбат беради. Шундай экан, амалиётчи психолог

болалар, педагоглар, синф раҳбарлари, мактабгача таълим муассасаси маъмурияти, ота-оналар билан ҳамкорлик педагогикасини йўлга қўя билиши лозим.

Т.М.Адизованинг фикрича, “Таълим муассасасидаги амалиётчи психолог шунчаки ташҳис қўймайди ва шахснинг у ёки бу томонларини, болаларнинг қобилиятларини бундан буёнги ривожлантириш дастурини шунчаки ишлаб чиқмайди, балки ўзи берган тавсияларнинг бажарилишини ҳам кузатади ва маълум даражада коррекцион ва тарбиявий (ривожлантирувчи) ишларнинг бир қисмини ўзи амалга оширади”. Бундан шуни англаш мумкинки, амалиётчи психолог муайян ишларни педагоглар, синф раҳбарлари, мактабгача таълим муассасаси маъмурияти, ота-оналарга тасвия бериш йўли билан амалга оширади, бу ишларнинг ўзига боғлиқ томонларини ўзи бажаради. Психолог болаларнинг маънавий-ижодий имкониятлари сифатини, шу жумладан психологик соғломлигини ўйлайди. У ёшларга атрофидаги одамларнинг хулқ-атвори ва фикрлаш тарзини ўзгартириш усулларини сингдирибгина қолмай, ўзини, ўз шахсини ўзгартириш ҳақида йўриқлар беради. Умумтаълим муассасалари каби махсус муассасаларида ҳам психологик хизмат йўналишлари ўз ўрни ва тегишли мақсад, вазифалари доирасида фаолият юритади.

1. Психологик ташҳис.
2. Психологик профилактика.
3. Психологик ташвиқот.
4. Психологик коррекция.
5. Психологик консультация.

Ҳар бир йўналиш ўз мақсад ва вазифаларига эгадир. Бундан ташқари ҳар бир хизмат йўналишлари иш услуби бир-бирига мос ва ўзига хосдир ҳамда бир-бирини тўлдиради. Масалан, психокоррекция ва ривожлантириш ишларини


диагностика(ташхис) маълумотларисиз ва аксинча, вазиятни баҳолашни эса ташхиссиз амалга ошириб бўлмайди. Аввал нуқсон аниқланади, сўнгра уни коррекциялаш ишлари олиб борилади. Демак, диагностика психокоррекцияга нисбатан бирламчи деб ҳисоблаш мумкин.

Психологик маслаҳат руҳиятида бирор камчилиги ёки нуқсони бор болаларга берилади. Бундай маслаҳатни амалга ошириш учун амалиётчи психолог яна ўзидаги узоқ кузатиш натижаларига муружаат этиши лозим бўлади.

Амалиётчи психолог ташхис қўйиш ва тузатиш ишларини бир-биридан ажратмайди, чунки бу икки жараён бир-бири билан диалектик алоқададир.

М.Р.Битянова мактабгача таълим муассасаси психологининг иш фаолиятини ана шундай яхлитлик моделида ташкил этишни маъқул кўради.

Юқоридаги мушоҳадалардан келиб чиққан ҳолда психологик хизмат изчиллиги ва алоқадорлигини қуйидаги чизма орқали ифода этамиз



Мактабгача таълим муассасаси амалиётчи психологининг вазифаси ўзи фаолият кўрсатаётган педагогик жамоани, болаларни ва ота-оналарни психологик билимларни эгаллашга жалб этиш, уларнинг психологик маданиятини ошириш мақсадида турли машғулотлар, ўқувлар, суҳбатлар, маърузалар уюштириш ишларини олиб боришдан иборат.

3.2 Психологик хизматдан самарали фойдаланиш йўллари

Муассаса психологи турли ёш даврлардаги мактабгача таълим муассасаси болаларининг психологик хусусиятлари; педагоглар ва болалар ўртасида самарали мулоқот ўрнатиш усуллари; диққат - онгли фаолиятнинг зарурий шартидир; шахснинг эмоционал иродавий хусусиятлари; темперамент ва характер ҳақида тушунча; қобилиятлар ва уларни ривожлантиришнинг айрим йўллари; замонавий психология ютуқлари каби маълумотлар билан қуролланган ҳолда ушбу йўналиш вазифасини амалга оширади.

Психологик профилактика - муассаса амалиётчи психологи ИЧБ нинг ҳар бир ёш босқичида боланинг шахс сифатида шаклланиши, ақлан ва жисмонан баркамоллигини таъминлашнинг реал ва оптимал шарт-шароитларини яратиш, шахс камолоти ва таълим-тарбиясидаги психологик бузилиш ва нуқсонларни ўз вақтида олдини олиш юзасидан маълумотларга асосан ушбу йўналиш вазифасини амалга оширади.

Психокоррекция машғулотлари орқали инсон руҳиятидаги нуқсонлар бартараф этилади.

Психологик маслаҳат бола, педагог ва ота-оналарга шахсий, касбий, ҳаётий муаммоларни ҳал этишга ёрдам бериш.

Психологик консультация ва психологик коррекциянинг объекти субъектнинг ўзи англаб етмаган, ўз ечимини кутаётган конкрет муаммодир. Унинг предмети асосан психик саломатликни тиклаш жараёнига психолог

консультантнинг адекват психологик ёрдамидан иборат. Шунга кўра қуйидаги масалалар ажратилади:

1) “Психологик саломатлик” тушунчасини мазмунли, тўлиқ тушунтириш, унинг бузулишига олиб келадиган хавфли ҳолатларни таърифлаш, унинг оптимал психолого-педагогик шароитини шакллантириш.

2) Психологик саломатлик даражасини аниқлаш.

3) Болаларга психологик кўмаклашишнинг ўзига хос хусусиятларини қараб чиқиш, аниқ психологик технологияларни таърифлаш.

4) Ёшга боғлиқ кескин ўзгаришларнинг асоратларини ўрганиш, психологик кўмак бериш вариантларини таърифлаш.

5) Катталарга ҳаётда қийин вазиятларда кўрсатиш мумкин бўлган ёрдам вариантларини таърифлаш.

Бугун “консультация” ва “тузатиш” (коррекция) атамаларини қўллашда ўзига хос чигаллик мавжуд. Психологик консультацияни ҳам, психологик тузатишни ҳам “психотерапия” тушунчасига тенглашмоқда, миллий адабиётда бўлса психологик консультация деб кўпроқ оила билан ишлаш усули тушунилади. Психологик консультация, тузатиш ва психотерапияларнинг таъсир қилиш доирасини қуйидаги муҳим саволлар ёрдамида аниқлаш мумкин: нима? ким? ким билан? ва нимага?. Психологик таъсирни психотерапияда малакали психолог ёки врач психотерапевт, психологик консультация ва тузатишда - психолог, психолог-педагог ва ижтимоий хизматчилар амалга оширади.

Назорат саволлари

1. Психологик хизмат йўналишлари қайсилар?
2. Муассасада психолог олиб борадиган турли хизмат йўналишларидан фойдаланиш қандай йўлга қўйилади?
3. ИЧБ ларда учрайдиган турли психологик муаммоларни

баргараф этишда психологик хизматнинг ўрни ва ролини атиб беринг.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Василюк Ф. Е. Психология переживания. М., 1984.
2. Вилюнас В. К. Психологические механизмы мотивации человека. М., 1990.
3. Иванников В. А. Психологические механизмы волевой регуляции. М., 1991.
4. Ильин Е. П. Психология воли. СПб, 2002.
5. Куликов Л. В. Психология настроения. СПб, 1997.
6. Психотерапевтическая энциклопедия/ под ред. Б.Д.Карвасарского. – Санкт-петербург: "Питер", 1998.
7. Семья в психологической консультации: опыт и проблемы психологического консультирования / Под ред. А.А.Бодалева, В.В.Столина. М., 1989.
8. В.А. Нудельман и др. Особенности психического развития глухого ребенка. М.: 1975 г.
9. К.Қ.Мамедов, Ғ.Б.Шоумаров. Ақли заиф болалар психологияси. Т.: 1994 й.
10. О.И. Скороходова. Как я воспринимаю, представляю и понимаю окружающий мир. М.: 1972 г.
11. В.М.Каримова ва бошқалар. Психология. Маърузалар матни. Т.: 2000
12. С.А.Рубинштейн. Основы общей психологии. М.: 1998 г.
13. Овчарова Р.В. Практическая психология образования. Москва. “Академия”.2003.-445 с.
14. Альфред Адлер. Практика и теория индивидуальной психологии. Москва. Издательство Института Психотерапии. 2002.- 212 с



КЕЙСЛАР ТҮПЛАМИ

Кейс № 1

Маълумки, махсус психология умум назарий ва махсус ихтисосли билимлар тизимини эгаллаган бўлиши керак, чунки бу билимларнинг мажмуи ва кенглиги унда нуқсонли ривожланишнинг типология ва таркиби, нутқий номукамалликнинг олдини олиш ва уни бартараф этиш усуллари ҳақидаги, руҳий-педагогик таъсир этиш методлари тўғрисидаги тасаввурларни шакллантиради.

Махсус психологияни кириш асосий бўлимлар қуйидагилардан иборат:

1. Махсус психология фанининг мақсад, вазифалари ва предметини аниқлаш.
2. Махсус психология фанинг бошқа фанлар билан боғлиқлигини аниқлаш.
3. Педагог шахсига қўйилган талаблар доирасини билиш ва таҳлил қилиш.
4. Махсус психологиянинг асосий вазифаларини аниқлаш.

Кейс № 2

◦ Инсон шахсининг тўлақонли, атрофлича, мукамал бўлиб ривожланиши, шаклланиши учун барча анализаторлар соғлом бўлиши лозим. Акс ҳолда шахс бир бутун ҳолда, меъёрда ривожланмайди, аниқроғи ривожлана олмайди. Анализаторларнинг тузилиши нафақат атрофдан келаётган таассуротларни қабул қилиш, балки уларни таҳлил қилиш фаолиятни назорат қилиш ҳам издан чиқади. Шунини таъкидлаб ўтиш жоизки, кўриш анализаторининг зарарланиши инсон психикасининг турли томонларига бир хилда таъсир этмайди.

Маълумки, алоҳида ёрдамга муҳтож болалар билан ишлаш вақтида уларнинг кўз нуқсонларини нима сабабдан келиб чиққанлиги билиш лозим. Шу боисдан ҳам тифлопсихологияда билиш ва ўзлаштириш лозим қуйидагиларни;

Махсус мактабгача таълим муассасасигача таълим муассасаси болалар нуқсонларини келиб чиқиш сабабларини ўрганиш.

Нуқсонларни аниқлашгач педагогик ишни тўғри аниқлаш.

Нуқсонларни аниқлашгач психологик ишни тўғри аниқлаш.

Алоҳида ёрдамга муҳтож болаларнинг нуқсонинг болага қай тарзда таъсир қилишин аниқлаш.

Нуқсонинг болага таъсири аниқлашгача бола учун коррекцион таълим жараёни тўғри белгилаш.

Алоҳида ёрдамга муҳтож боланинг руҳий ҳолатларни барчасини инобатга олиш.

3-КЕЙС

Мавзу: Алоҳида ёрдамга муҳтож болалар

1. Мақсади: Алоҳида ёрдамга муҳтож болаларни ўрганиш

2. Вазифалар:

- Алоҳида ёрдамга муҳтож болалар ҳақидатушунча;
- Алоҳида ёрдамга муҳтож болалар билан ишлаш тизимининг таснифи;
- Алоҳида ёрдамга муҳтож болаларнинг ўзига хос хусусиятлари.

3. Тадқиқотметодлари:суҳбат,савол-жавоб, кўргазмалилик

4. Бажариш босқичлари:

1. Алоҳида ёрдамга муҳтож болаларнинг таснифи
2. Алоҳида ёрдамга муҳтож болалар билан ишлаш тизими ҳақида
3. Алоҳида ёрдамга муҳтож болаларнингўзига хос хусусиятлари.

5. Тадқиқот фаолияти натижалари:

Тақдимот, кичик маъруза, блиц-сўровнома, кластер бўлиши мумкин.

6. Ўқув-тадқиқот фаолиятдан келиб чиқадиган хулосалар:

-алоҳида ёрдамга муҳтож болалар қаторига алоҳида ёрдамга муҳтож болалар болалар киради.

-алоҳида ёрдамга муҳтож болалардаги нуқсонларнинг олдини олишга, шахсий хусусиятларини яхшилашга, ижтимоий мослашувининг самарадорлигини оширишга қаратилган билимлар берилади.

4 - КЕЙС

Мавзу: Махсус психология фанининг умумий масалалари

1. Мақсади: Махсус психология фанининг умумий масалаларини ўрганиш.2.

Вазифалар: - махсус психология фанига кириш;

- махсус психология фанининг мақсад ва вазифалари;

- алоҳида ёрдамга муҳтож болалар интеграцияси

3. Тадқиқот методлари: суҳбат, савол-жавоб, кўргазмалилик.

4. Бажариш босқичлари:

1. Фанга кириш

2. Фаннинг мақсад ва вазифалари

3. Фаннинг умумий масалалари

5. Тадқиқот фаолияти натижалари:

тақдимот, кичик маъруза, блиц-сўровнома, кластер бўлиши мумкин.

6. Ўқув-тадқиқот фаолиятидан келиб чиқадиган хулосалар:

- махсус психология фани ўз навбатида алоҳида ёрдамга муҳтож болалар турлари ва бу болалар таълим-тарбия ишларини амалга ошириш билан шуғулланади;

- махсус психология фани алоҳида ёрдамга муҳтож болаларда компенсацион ва коррекцион ишларни олиб бориш билан шуғулланади;

- фан ўз олдида алоҳида ёрдамга муҳтож болаларга таълим-тарбия беришда инклюзив (ёки интеграцион) усулда олиб борилишини мақсад қилиб қўйган.



ГЛОССАРИЙ



№	Ўзбекча	Мазмуни
1	Махсус психология	Махсус психология (Дефектология, юнонча “дефестус” – нуқсон, камчилик, “логос” – фан, таълимот) ривожланишда жисмоний ёки психик камчиликка эга, махсус, индивидуал тарбиялаш ва ўқитиш методларига асосланган, имкониятлари чекланган болаларни ривожлантириш жараёнини бошқаришни ўргатувчи фан.
2	Махсус мактабгача таълим муассасаси	Ривожланишда жисмоний ёки психик камчиликка эга, махсус, индивидуал тарбиялаш ва имкониятлари чекланган болалар учун ташкил этилган махсус таълим муассасалари
3	Ҳимояга муҳтож	Ўз-ўзига хизмат қилиш, ҳаракатланиш, уюштириш, ўз ахлоқи ни назорат қилиш, таълим, меҳнат фаолиятига имкониятнинг бузилиши оқибатида ижтимоий мослашмаганликка олиб келувчи ҳаётининг фаолиятнинг аҳамиятли чекланганлигидир.
4	Ижтимоий мослашув	Улар учун оддий ҳаёт тарзини ва очиқ жамиятни оддий шартларини ҳаёти давомида қўллаш олишга ўргатиш
5	Имконияти чекланган	Кар-соқов (сурдопедагогика), кўр (тифлопедагогика), ақлий жиҳатдан ривожланишда ортда қолган (олигофренопедагогика) болалар
6	Эрта ташҳис	Ривожланишда жисмоний ёки психик камчиликка эга, махсус, индивидуал тарбиялаш ва имкониятлари чекланган болаларга эрта ташҳис қўйиш уларнинг келгуси ривожланишида самарали натижаларга эришилади.
7	Ногиронлик	Бу жамиятдаги мавжуд шарт-шароитлар туфайли юзага келган, натижада одамларнинг фаол ҳаёт кечиришига имкон бермайдиган жисмоний, ақлий, сенсор ва психик бузилишлари бўлган шахсларнинг фаолиятига тўсиқ ёки чеклашдир

8	Интеграция	Имконияти чекланган, алоҳида ёрдамга муҳтож болалар ва ўсмирларга таълим бериш, касб-хунарга ўргатиш ишларини амалга ошириш мақсадида умумтаълим муассасаларида инклюзив синф ва гуруҳлар ташкил этиш
9	Инклюзив таълим	Бу махсус ёрдамга муҳтож болалар ва ёшлар учун индивидуаллашган ва шароитга қараб ўзгарувчан, ғамхўрлик билан ёндаша оладиган таълим тизимидир.
10	Ижтимоий ҳамкорлик	Имконияти чекланган, алоҳида ёрдамга муҳтож болалар имкон қадар ўзига тенгдош ногирон бўлмаганлар билан муносабатда бўлиб, ижтимоий тасаввурларга эга бўлишлари ҳамда ижтимоий ҳамкорлик ўрнатишлари
11	Коррекция	Коррекция (юнонча “соррестио” – тузатиш) – педагогик услуб ва тадбирлардан иборат махсус тизими ёрдамида аномал болаларнинг психик ва жисмоний ривожланиш камчиликларини қисман ёки тўлиқ тузатиш. Ақлий ёки жисмоний, нутқий ривожланишида муаммоси бўлган болаларнинг руҳий ёки жисмоний ривожланишидаги камчиликларини педагогик усул ва чора-тадбирлар ёрдамида қисман ёки бутунлай бартараф этиш.
12	Коррекцион педагогика	Махсус психологиянинг ҳар бир йўналиши учун таълим қонуниятларини тадқиқ қилади.
13	Коррекциялаш	Коррекциялашнинг аниқ мақсади, вазифалари ва усуллари боланинг индивидуал хусусиятлари ва тараққиётидаги камчиликларига қараб белгиланади. Коррекциялаш (тузатиш) боланинг психик ва жисмоний ривожланишидаги нуқсонларни тузатиш, йўқотиш ва пасайтиришдан иборат.

14	Анамнез	Анамнез (юнонча – анамнесис - эшлаш) – беморнинг ҳаёт шароити ва касаллик тарихи ҳақида сўраб тўпланадиган маълумотлардир.
15	Комплекс ҳамкорлик	Педагоглар жамоасининг муайян социал муҳитда ўсаётган ҳар бир бола қобилиятларининг ривожланиш даражаси ва ҳаёт тажрибасидан қатъий назар унинг муваффақиятли таълим олиши ва ривожланиши учун қулай ижтимоий психологик шарт-шароит яратишга қаратилган касбий фаолият тизими.
16	Компенсация	Компенсация (юнонча “сомпенсатио” – ўрнини тўлдириш) организмнинг бузилган ёки ривожланмаган функцияларининг ўрнини тўлдириш, қайта қуришдир.
17	Дифференциал	Махсус мактабгача таълим муассасасиларнинг турли хиллари – карлар учун, заиф эшитувчилар ва кеч кар бўлиб қолганлар учун мактабгача таълим муассасаси бўлимлари ва мактабгача таълим муассасасиларнинг барча турларида икки ёқлама нуқсонли болалар учун махсус синфлар ташкил қилинишидир.
18	Интеграция	Интеграция (лотинча интегратио – тиклаш, тўлдириш). 1. Тизим ёки организмнинг алоҳида қисмлари ва функцияларининг ўзаро бир бутун боғланган ҳолатини ифодаловчи тушунча, шунингдек, мана ша ҳолатга олиб келадиган жараёни. 2. Фанларнинг ўзаро яқинлашиш ва боғланиш жараёни, дифференсация жараёни билан бирга кечади.
19	Ижтимоий Реабилитация	Ижтимоий реабилитация (юнонча “реҳабилитас” – қобилиятни тиклаш) аномал болаларнинг психофизиологик имкониятларига кўра ижтимоий муҳитда иштирок этиши учун шароит яратиш, уларни ижтимоий ҳаёт ва меҳнатга жалб этиш маъносини англатади.

20	Ижтимоий адаптация	Ижтимоий адаптация (юнонча “адапто” – мослашиш) аномал болаларнинг индивидуал, гуруҳли хулқларини ижтимоий қоидалар, қадриятларга мос келишини таъминлаш деганидир.
----	--------------------	---

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Махсус адабиётлар:

1. Richard Arum, Melisa Velez. Improving Learning Enviroment: Schol Discipline and Comporative Perspektive. Stanford Universiy Press, USA 2012.
2. H.Fry, S. Ketteridge, S.Marshall. HandbookFor teaching and Learning in Higher Education.New York, Routledge, 2009.
3. Higher education in japan. Higher Education Bureau, Ministry of Education, Culture, Sports, Science and Technology. 3-2-2 Kasumigaseki, Chiyoda-ku, Tokyo 100-8959, Japan Tel: +81-3-5253-4111 (Reception)
4. Eduscol. education.fr./ dossiers.School Education in Franse. ISBN 978-92-9079-921-4 Available for free downloading from the CEPS website (<http://www.ceps.eu>) © CEPS, 2009
5. Florian Geyer. The Educational System in Belgium CEPS Special Report/September.ISBN 978-92-9079-921-4 Available for free downloading from the CEPS website <http://www.ceps.eu>)© CEPS, 2009.
- 6.Improving Learning Environments: School Discipline and Student Achievement in Comparative Perspective (Studies in Social Inequality) Hardcover – June 13, 2012
7. Выгоцкий Л.С. Вопросы детской психологии. – М.: СПб. 1999.
8. Белтюков В.И. Взаимодействие анализаторов в процессе восприятия и усвоения устной речи (в норме и потологии) – М.: Педагогика. 1997.
9. Богданова Т.Г. Сурдопсихология. –М., 2002.
10. Боровлёва Р.А. Родителям маленьких оглохших детей (начало коррекционной работы с детьми, потерявшими слух в 2,5 – 3 года) // Дефектология, -2004. -№.4 -с. 78-82.

10. Зыкеев А.Г. Формирование и коррекция речевых навыков и умений в употреблении сложносочиненных предложений младшими школьниками с нарушениями в развитии //Дефектология. -2005. - №3. – с. 67-75.

11.Коррекционное обучение как основа личностного развития аномальных дошкольников / Под ред. Л.П.Носковой. – М.: Педагогика, 1999.

12. Л.Мўминова, Ш.Амирсаидова ва бошқалар Махсус психология -Т.: Фан ва технологиялар .2013.

13. П.Пўлатова, Л.Нурмухамедова, Ш.Амирсаидова Махсус педагогика -Т.: Фан ва технологиялар,2014.

14. Мактабгача таълим муассасасигача таълимга қўйиладиган давлат талаблари. Т.: 2017

15. Такомиллаштирилган «Болажон» таянч дастури. Т.: 2016

16. Д.Джуманова, Й. К. Прусаковалар. “Қувноқ логоритмика”. Т.: 2009

17. З.А.Рахмонқулова, М.Файзуллаева, М.Нуриддинова. Мактабгача таълим муассасасигача ёшдаги болаларни атроф-муҳит билан таништириш (*катта, тайёрлов гуруҳлариучун*). Методик қўлланма, Т., 2015.

18. Амирова. Г.А., Сулаймонов А.П., Джураева Б .Р. Мактабгача таълим муассасасигача таълим муассасаларда аппликация машғулоти. Т., 2014.

19. Р.Ш.Шомахмудова, Л.Р.Мўминова. Боғча ва кичик мактабгача таълим муассасаси ёшидаги болалар талаффузидаги нуқсонларни тузатиш. – Т., 1981.

20. L.R.Моъminov, O.A.Maxmudova, Sh.A.Karimova. “Nutqni tekshirish va rivojlantirish bo`yicha logopedik albom” Т., 2016.

21. Д.Т Сабилова. Мактабгача таълим муассасасигача ёшдаги болаларда тасвирий саводхонлик элементларини шакллантириш. (13.00.01.-Педагогика

назарияси ва тарихи ихтисослиги бўйича ёзилган диссертациянинг автореферати). Т.2007

22. Махсус психология масалалари модули бўйича . ЎУМ. Д.А.Нуркелдиева ва бошқ. Низомий номидаги ТДПУ. ТДПУХХТХҚТУМОҲМ. 2017йил

Интернет ресурслари:

Электрон таълим ресурслари

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги: www.uzedu.uz.
2. Халқ таълими соҳасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази: www.multimedia.uz
3. Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази: www.giu.uz
4. Ижтимоий ахборот таълим портали: www.ziyonet.uz.
5. Мактабгача таълим вазирлиги: www.mtv.uz.
6. Республика болалар кутубхонаси: www.kitob.uz.
7. «Мактабгача таълим» журнали: www.jlmt.uz.
8. www.tdpu.uz
9. www.pedagog.uz